Инв. № 10
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 ИЮЛЬ, 1982 ИЙЛ
ПАЙШАНБА
№ 162 (2.568).
Баҳоси 3 тийин.

60 ЙИЛЛИГИГА СССР ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР

СССРНИНГ ОЛТМИШ ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ҲАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ВА СИЁСИЙ АКТИВЛИГИГА ТОМ МАЪНОДА ҚУРИҚ БУЛАЁТГАН ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАРНИНГ ЎТТИЗ ОЛТИНЧИСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

БУ ҲАФТАЛИК — ГТО ҲАФТАЛИГИ ДЕБ НОМЛАНГАН.

ЧЕКАНКАНИ ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

БИОЛОГИК УСУЛГА — КЕНГ ЙЎЛ

Коммунистик районидаги Свердлов номидаги колхозда 1975 йилдан буён зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда биологик усулдан фойдаланиб келинмоқда. Колхознинг ўз биолабораторияси бор. Ўтган йиллар мобайнида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу фойдали усул қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3—4 центнер ошмоқда. Айни пайтда зараркунандаларга қарши ишлатиладиган заҳарли химикатлар сотиб олишга сарфланадиган 60—70 минг сўм маблағ иқтисод қилиб қолинмоқда. Энг муҳими эса ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бу усули атроф муҳитни тоза сақлайди, ҳавони бузмайди, пахтазорларда пайдо бўладиган табиий фойдали ҳашаротларнинг кўпайишига ёрдам беради.

Худди шундай мисолни республиканинг бошқа областларидаги хўжаликлардан ҳам келтирса бўлади. Жумладан, Амударё районидаги Максим Горький номли совхозда биологик усулни қўллаш туфайли йилига заҳарли химикатлар сотиб олишга сарфланган 200 минг сўм маблағ тежаб қолинаётир. Бу метод ишончли бўлиб, ғўзани зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилмоқда, ҳосилдорликни оширишга ёрдам бермоқда.

Пахтадан йил сайин мўлжалдаги юксак ҳосилни олишда ғўзани зararли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Ҳали яқин-яқинларгача заҳарли химиявий моддаларни қўллаш бу борада бирдан-бир усул деб ҳисобланарди. Лекин заҳарли моддалар ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилиш билан бир пайтда атроф муҳитга сезилларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Самолётдан сепилаётган заҳарли моддалар фақат пахтазоргагина тушмайди, балки атрофдаги канал ва ариқларга, ўт-ўланларга, мевали дарахтзорларга, экинзорларга ҳам тушади. Бинобарин, атроф муҳит маълум даражада зararли химикатлар билан заҳарланади.

Бу аҳвол зararли ҳашаротларга қарши курашда атроф муҳитга ва кишилар саломатлигига таъсир қилмайдиган бошқа ишончли воситаларни излаб топишни тақозо этарди. Зararли ҳашаротларга қарши курашнинг биологик усули худди ана шундай воситадир.

Кейинги йилларда республика партия ва ҳукумати ғўза ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг ишончли, фойдали, айни пайтда атроф муҳит учун хавфсиз бўлган биологик усулини ҳамма ерда кенг қўллаш йўлини зўр қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органлари бу усулнинг афзалликларини тушунтириш ва жойларда қўлланиш миқёсларини йил сайин кенгайтириш борасида катта ташкилий иш олиб бордилар. Кўрилган тадбирлар бугунги кунда ўзининг яхши самараларини бермоқда. Жуда қисқа муддат ичида республикамизда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методини қўллаш ўн баравар кўпайди. Масалан, 1975 йилда бу прогрессив метод 200 минг гектардан сал зиёдроқ майдонда қўлланилган бўлса, ўтган йили қариб 2 миллион гектар экин майдонида шу усулдан фойдаланилди. Шу мақсадда жойларда махсус ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этилди. Ҳозирги кунда бундай биолабораториялар сони 400 га яқинлашиб қолди. 178 колхоз ва 140 совхоз ўзларининг биолабораториялари эга. Кўпгина хўжаликлар, районлар ва бутун-бутун областлар ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада дурустгина тажриба тўплаганлар. Масалан, Наманган области хўжаликлари ўтган йилнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашда самолётлардан фойдаланишдан воз кечишди. Уларнинг тажрибаси илмий асосланган биологик методга таянган ҳолда заҳарли кимёвий моддаларни қўлламасдан туриб, экинларни қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан батамом сақлаб қолиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Келгусида биологик методни янада кенг равишда қўллаш кўзда тутилмоқда. Чунончи, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб республикамизда бу прогрессив усул қариб 3,5 миллион гектар ерда қўлланилади. Шу йилнинг ўзидаёқ 2,5 миллион гектар майдондаги экинларга зararли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида биологик метод асосида ишлов берилади. Ана шу қўйилган вазифаларга асосан республика «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти ходимлари ва мутахассислари ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирларни оғишмай амалга оширишдир, айниқса муҳимдир. Илғор хўжаликлар ва районлар тўплаган тажрибаларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиш ва уларни кенг оммалаштиришга эътиборни кучайтирмоқ зарур.

Яқинда Тошкентда ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик усулни қўллаш тажрибасига бағишланган Бутуниттифоқ кенгаш-семинари бўлиб ўтди. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Академияси томонидан уюштирилган бу илмий анжуманнинг Узбекистон пойтахтида ўтказилиши янги, прогрессив усулнинг кенг жорий этилишида республикамиз эришган юксак натижаларни мамлакатимизда тан олинишининг ўзига хос бир кўринишидир. Лекин айни пайтда ҳали бу соҳада олдимизда катта вазифалар турганлигини, белгиланган юксак режаларни амалга ошириш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфланиши зарурлигини республикамиз олимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари чуқур англашлари даркор. Янги усулнинг колхоз ва совхозларда кенг жорий қилиниши ва мўлжалдаги самарани бериши, аввало, шу соҳадаги кадрларнинг билими, малака ва маҳоратига боғлиқдир. Шундай экан Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ва Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти қузурида ташкил этилган доимий курсларда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари савиясини янада яхшилаш талаб қилинади. Айни пайтда республика олимларининг куч-ғайратини бирлаштирган ҳолда уларнинг диққат-эътиборини зараркунандаларга қарши курашда тўла равишда биологик усулга ўтиш, бу усулни қўллашни янада такомиллаштириш муаммоларини ҳал этишга қаратиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи қатъий талаб қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми томонидан тасдиқланган СССРнинг Озиқ-овқат программаси муносабати билан барча экинлардан йил сайин мўл ҳосил олиш энг муҳим вазифадир. Бинобарин, мевали боғларни, сабзавот ва бошқа экинларни зараркунанда ва касалликлардан биологик йўл билан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-тадқиқот ишларини тезроқ ниҳоясига етказиш, бу соҳадаги тавсияларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш жуда-жуда муҳимдир.

Усимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулини ҳамма жойда изчиллик билан кенг жорий этиш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш бўйича олган мажбуриятларимизни шараф билан бажаришнинг муҳим омилидир. Шундай экан маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз мутахассислари, олимларимиз яхши самара бераётган, келгусида эса янада юксак натижалар берадиган бу фойдали усулга, экинлар ҳашароти ва касалликларига қарши курашнинг самарали усулига бундан буён ҳам эътиборни кучайтирмоқлари талаб этилади.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ ЭНГ ЯХШИ АГРОТЕХНИКА МУДДАТЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЧЕКАНКА ҲОСИЛДОРЛИКНИ 4—5 ЦЕНТНЕР ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ. ҲАР БИР ДАЛА ШАРОИТИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ЧЕКАНКАНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК.

⊙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, ХУСУСАН, ҚУСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ КУРАШДА БИОЛОГИК, ХИМИЯВИЙ УСУЛЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИНГ.

⊙ ҒУЗАНИ АГРОТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИБ, МЎЛ ВА ЭРТАГИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК.

Сувчи — ғўзани яшнатувчи, дейди халқимиз. Олти йилдан буён бу касбни эъзозлаб келаётган Бобоназар Раҳимов шу кунларда зиммасита алоҳида масъулият олиб ишлаяпти. У меҳнат қилаётган Пахтачи районидаги Киров номли колхознинг Барно Облақулов бошлиқ бригадаси заршунослари бу йил 112 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи.

СУРАТДА: миришкор сувчи Б. Раҳимов далада.

И. Ҳасанов фотоси.

СЎЗ — ТАЖРИБАКОРЛАРГА

АҲДИМИЗГА СОДИҚМИЗ

Ғўза парваришида масъулиятли палла давом этмоқда. Шу кеча-кундузда ҳар тўп ғўзани меҳр билан парваришлаб, оби-ҳаётга қондирган, суғорилган эгат қатор ораларини чуқур ишловдан чиқариб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиқлантирган деҳқон пахтадан кутилганидан мўл ҳосил етиштиришга эришади. Совхозимиз чўл қўйнида ташкил этилган йирик хўжалик ҳисобланади. Юбилей йилида ҳар қачонгидан кўп ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.

Мен совхозда бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлайман. 540 гектар экин майдонимиз мавжуд. Она-Ватанга 2 минг тонна «оқ олтин»ни етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир шунча миқдордаги ҳосилни етиштириш учун ғўза парваришини жадал суръатларда олиб бораяпмиз. Ҳар бир ишчи қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қиляпти. Бўлимимизга қарашли Чўли Жумаев, Жўрабой Аролов, Аваз Мурод Хўжамуродов, Рашид Рўзиев, Қосим Алиевлар бошчилик қилаётган бригадаларда айниқса ғўза парваришида яхши ташкил этилган. Улар ҳар гектар ердан 40—45 центнердан чўл дурдонаси олиш учун курашмоқдалар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ниҳолларни озиқлантириш ва суғориш агротехника қоидалари асосида ўтказилмоқда.

Ғўза парваришида шу кун талаблари асосида олиб борилаётган экан бу соҳада механизаторлардан Салим Шомуродов, Ҳайитбой Тошқулов, Бешим Баротов, Ҳақназар Рўзиназаровларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ даркор. Уларнинг ҳар бири кунлик иш нормасини мунтазам ошириб бориб ҳамкасбларига ибрат бўлишляпти. Эгат қатор ораларини чуқур ва сифатли ишловдан чиқарганликлари учун улар бир неча бор совхоз дирекцияси томонидан рағбатлантирилдилар.

Ҳамма бўлим ва бригадаларда социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Илғорларнинг пуд ва қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантириб боришимиз натижасида ишни олга силжишига муваффақ бўляпмиз. Натижада ҳар ким ўз ишига масъулият билан ёндошмоқда. Ана шундай механизаторлар ва сувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ғўзалар барқ уриб ўсиб ҳосил тугунчаларини кўпайтириб бораяпти.

Сувчиларнинг группа усулида иш олиб бориши ўз самарасини бермоқда. Ғўзага оби-ҳаёт тараётган миришкорлар керакли инвентарлар билан таъминланган. Айниқса тунги сменада ишлаётган сувчилар ўртасида оммавий мусобақа ҳаракати тўғри йўлга қўйилган. Ғўзаларни қондириб суғорган сувчиларга совхоз дирекцияси томонидан 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланяпти. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини янада оширмоқда.

Биз юбилей йилида зарбдорчасига меҳнат қилиб мўл ва эртанги ҳосил етиштирамиз. Она-Ватанга белгиланган миқдордаги «оқ олтин»ни ҳар қандай шароитда ҳам етказиб берамиз. Бу йўлда ваъдамизга вафо қилиб, СССРнинг муборак 60 йиллик тўйини муносиб туҳфа билан кутиб оламиз.

Р. МАҲАТОВ.

Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз бўлим бошқарувчиси.

КЎСАКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Косонсой районидаги «Правда» колхози аъзолари ўтган йили 960 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан хирмон кўтаришга эришган эдилар. Юбилей йилида экин майдонлари 30 гектарга кўпайтирилди. Ҳозир ҳамма бригадаларда ғўза парваришни жадал суръат, аъло сифатда ўтказиляпти. Бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашуви яхши самаралар бермоқда. Азамат пахтакорлар бугунги кунга қадар барча майдонлардаги ғўзаларни тўрт марта комплекс ишловдан чиқардилар.

Меҳнат беллашувида Абдуваҳоб Саломов, Сотқиной Роҳаталиева, Абдураим Пирматовлар бошчилик қилаётган бригадалар аъзолари пешқадамликни қўлдан бермаяптилар. Мазкур бригада механизаторлари ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериб кунлик иш нормаларини мунтазам ошириб бажаришяпти.

Июлни ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой деб билган хўжалик сувчилари эса ғўзаларни кунда бир яшнатяпти-лар. Бунда сувчилар Абдуҳаким Ганиев, Жаббор Омонов, Абдуқаюм Салоҳиддиновларнинг хизматлари айниқса таҳсинга лойиқ. Улар ҳар қатра оби-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиб, экинларни бир маромда сув ичишини таъминляптилар. Бундай ҳосил посбонларининг тунни тонгга улаб меҳнат қилишлари натижасида ғўзалар кўсакларни кундан-кунга кўпайтирмоқда.

Колхоз заршунослари юбилей йилида Она-Ватанга 4500 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тортиқ этиб, Иттифоқимизнинг 60 йиллик муборак тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишмоқда.

Т. МАДРАҲИМОВА.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

СССР юбилейига тайёргарлик меҳнаткашларни гоявий-сиёсий, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни янада яхшилашга ёрдам беради. Бу тайёргарлик КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорининг гоят зўр таъсири остида ўтмоқда.

Москвада шонли санага бағишлаб, «Эркин республикалар бузилмас иттифоқи» деган мавзуда ижтимоий-сиёсий лекциялар давом эттирилмоқда. Бу лекцияларни КПСС Москва шаҳар комитети, ВЦСПС, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг правлениеси уюштирди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Фан-техника давлат комитетининг раиси академик Г. И. Марчук 13 июль куни «Совет фанининг коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссаси» деган мавзуда доклад қилди.

В. И. Ленин бошчилигидаги партия ва ҳукумат, деб таъкидлади у, Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ илмий тадқиқотларни тез ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, ўртоқ Л. И. Брежнев фанга жуда катта эътибор бермоқдалар.

Докладчи совет фанининг 60 йил мобайнидаги тараққиётида босиб ўтилган турли босқичларни таърифлаб, асосий проблемаларга тўхталиб ўтди. Экономиканинг етакчи тармоқларида сифат жиҳатидан янги босқичга эришиш шу проблемаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Будапештдаги халқаро журналистлар ташкилоти мактаби тингловчиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуклари виставкасини бориб кўрдилар. Чирчиқ трансформатор заводига экскурсия қилдилар, «Социалистический Чирчик» газетаси редакциясида бўлдилар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг иши билан танишдилар. Тингловчилар республика журналистлар союзида қабул қилиндилар. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ДОШЛАР МАРРАСИ 55 ЦЕНТНЕР

Сокин ,ва беғубор тонг пардаси ҳарир рўмолни билинар-билинмас кўтараётган бир паллада пахтазорни айланганмисиз. Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи давом этаётган шу кунларда колхоз раиси Усмон Қурбонов билан субҳ,ндамда дала кезиб юрибмиз. Чеккасига гул ва кўсак шодаларидан маржон таққан ғўза барглари тонгги шабадада бободеҳқон билан ширин суҳбат қураётгандек аста шивирлайди.

— Бу пайкал уста пахтакор Мустафо Тошев бригадасига қарашли дейди раис. — У бир неча йилдан буён бригадага бошчилик қилиб пахта ҳосилдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу тобда ўрта бўйли йигит чаққон юриб биз томонга кела бошлади. У бригада саркори Мустафо Тошев эди.

Салом-аликдан сўнг бригадирдан ишларнинг бориши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Ўтган йили ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтарган эдик, — дейди Мустафо Тошев. — Юбилей йилида яна кўрсаткични 55 центнерга етказмоқчимиз. Ғўзаларимизнинг ривожи яхши. Бу йил колхозимизда пахта сифатини сифатли пахта етиштириш бўйича ўзаро фикрлашиб олдик. Шу кунгача ғўза қатор ораларига беш марта комплекс ишлов бериб, уч марта оби-ҳаётга қондирдик. Ғўзаларни чеканка қилишга киришдик. Парвариш яхши олиб борилаётганлиги туфайли бригадамиз даласига бош бурчак тамғаси босилган «Сифат белгиси» берилди.

Пайкал оралаймиз. Эгатларда шилдир-шилдир оқаётган сув экинларни янада яшнатиб юборган. Бўлиқ ғўзалардаги кўсакларни бир-бир санаймиз. Беш-олти, баъзиларида эса 8—10 тагача кўсак мавжуд. Тевараграфга бўй таратиб ётган беҳисоб гуллар-чи. Улар ҳам эрта-инди тўқ кўсакка айланади.

— Ўтган йили ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтарган эдик, — дейди Мустафо Тошев. — Юбилей йилида ҳосилдорлик ва сифатли пахта етиштириш бўйича ўзаро фикрлашиб олдик. Шу кунгача ғўза қатор ораларига беш марта комплекс ишлов бериб, уч марта оби-ҳаётга қондирдик. Ғўзаларни чеканка қилишга киришдик. Парвариш яхши олиб борилаётганлиги туфайли бригадамиз даласига беш бурчак тамғаси босилган «Сифат белгиси» берилди.

Пайкал оралаймиз. Эгатларда шилдир-шилдир оқаётган сув экинларни янада яшнатиб юборган. Бўлиқ ғўзалардаги кўсакларни бир-бир санаймиз. Беш-олти, баъзиларида эса 8—10 тагача кўсак мавжуд. Тевараграфга бўй таратиб ётган беҳисоб гуллар-чи. Улар ҳам эрта-инди тўқ кўсакка айланади.

— Бозорбойдай миришкор сувчиларимиз бор экан кўзланган маррани ошириб адо этишга шак-шубҳа йўқ, — дейди бригадир бир тўп ғўзани шоналаригача эринмай санаётган раисга синчковлик билан назар ташлаб.

— Яхши, — деди раис Усмон Қурбонов. — Мен ҳам сендан худди шу сўзларни кутаётган эдим. Ваъдага вафо қилиш марднинг иши, аммо сувчи Бозорбойнинг ўзи нима деркин?

— Июль— ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой, дейди сувчилар сардори. — Буни сидқидилдан ҳис этиб ҳамкасбларим билан экинларни яшнатямиз. Шу кеча-кундузда ғўзаларга таралган ҳар қатра оби-ҳаёт қуйда мўл «оқ олтин» бўлади.

Шу кунн биз ҳар гектар майдондан 50—55 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган Мустафо Ҳусанов, Исмоил Ҳақбердиев, Шониёз Саломов ва Ортиқ Усмоновлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам бўлдик. Ҳамма бригадалардаги пайкалларда ям-яшил бўлиқ ғўзаларнинг шабадада оҳиста тебраниб турганини кўриб дилимиз қувончга тўлди.

Ортиқ Усмонов етакчилик қилаётган дала шийпонида суҳбат қуриб ўтирибмиз. Қаҳрамонимиз катта тажрибага эга. У бошчилик қилаётган бригада Мустафо Тошев бригадаси билан мусобақалашиб ҳар гектар ердан 55 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда. Ишнинг яхши ташкил этилганлиги натижасида мазкур бригадаларда ҳам ғўза парваришни намунали ўтказилиб, мўл-кўл ҳосил тўпланяпти.

— Деҳқончиликда бир текис келган йил йўқ, — дейди бригадир. — Тўғри бу йил баҳор қуруқ келди. Ғўзаларни чигит суви бериб ундириб олдик. Деҳқон учун бундан оғир шароит бўлмайди. Аммо айни кунларда ғўзалар серҳосил бўлиб ўсяпти. Унга ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз туфайли эришдик. Ҳозир «сув экиннинг жони» деган доллар нақлига амал қилиб ҳар қатра оби-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланяпмиз.

Шу кунларда Каттақўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз далаларида бўлган киши ана шундай қизғин меҳнат устидан чиқади. Хўжалик заршунослари 1655 гектар майдонга барака урути қадаб ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашяпти. Хўжаликнинг ҳамма бригадасида ана шу юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпланмоқда.

О. БЕРДИЁРОВ.

ЖАЛЛОДЛАРГА ЛАЪНАТ!

Узбекистонда бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари Исроил ҳарбийлари АҚШнинг мададида Фаластин ва Ливан халқларидан қонли ўч олаётганликларига қарши қаҳр-газаб билан норозилик билдирмоқдалар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети қурилиш отрядларининг юзлаб аъзолари ва «Дўстлик-82» интернационал отрядининг жангчилари меҳнат сменаси тугаши биланоқ норозилик митингига келдилар. Йигит ва қизлар фаластинлик студент қиз Нодира Ҳолтанинг сўзини гоят тўлқинланиб тингладилар.

— Менинг минглаб ватандошларим — қариялар, хотин-қизлар, болалар Исроил жаллодлари Ливан тупроғида авж олдирган қонли хунрезлик қурбонлари бўлдилар. Уларни ўлдираётган қуролга «АҚШда ясалган» деган тамға қўйилган. Лекин бизнинг халқимизни тиз чўктира олишмайди. Ер юзидаги барча софдил кишилар фаластинликларнинг ҳаққоний иши билан бирдамдирлар, КПСС ва улуғ Совет Иттифоқининг раҳбари — ўртоқ Л. И. Брежнев фаластинликларни ҳимоя қилмоқда. Мен ғалабага ишонаман, Фаластин озод бўлади!

— Ливандаги фожиали воқеалар, — деди митингда чехословакиялик студент Франтишек Хартл, — Исроил АҚШнинг ҳомийлигида террорни ўзининг давлат сиёсати даражасига олиб чиққанлигидан далолат беради. Бу яна оммавий жиноятлар ҳавфини туғдирмоқда. Биз Америка ҳукуматидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Р. Рейганга мурожаатида янграган ақл-идрок овозига қулоқ солиб, ҳаддидан ошган агрессорни тўхтатишни талаб қиламиз!

Студент Э. Каримов, университет комсомол комитетининг секретари Р. Азимов ва бошқалар империалистларнинг Яқин Шарқдаги машъум режаларини газаб билан қоралаб гапирдилар.

* * *

Узбекистон ССР Геология министрлигининг ВЛКСМ 50 йиллиги номли Бухоро ремонт механика заводида Исроилнинг Ливандаги вахшиёна агрессиясига қарши бўлиб ўтган норозилик митингида «Ливандан қўлингни тортинг!», «Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилсин!» шиорлари янгради. Сўзга чиққан электр пайвандчи Т. Сувондиқов, темирчи Ф. Рўзиев, термист А. Саъдуллаев ва бошқалар Ливан ҳамда Фаластин халқларининг кураши билан бирдам эканликларини ўз ўртоқлари номидан билдирдилар, агрессорга гумашталик қилаётган АҚШнинг қаҳр-газаб билан қораладилар.

* * *

Бухоро районидаги Ленин номли колхозда ва республиканинг бошқа меҳнат коллективларида кўп қишлик митинглар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ мухбирлари).

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга азму қарор қилган Қомсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Исмонжон Садриддинов бошлиқ бригада пахтакорлари экинларга ишлов беришни кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

Айни кунларда ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида ташкил қилинган. Жўякларни юмшатиш, озиқлантириш, суғориш каби ишлар узлуксиз давом эттирилаётир. Аҳил коллектив заршунослари июль ойи охиригача барча майдонлардаги ғўзаларга иккинчи марта ишлов бериш ва қондириб суғоришни кўзлаганлар.

С. ЮСУПОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҚИШЛОҚҚА—ИҚТИДОРЛИ МУТАХАССИСЛАР

Институтимиз профессор-ўқитувчилар состави, барча студентлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини чуқур мамнуният билан кутиб олдилар ва уни ҳаётга тадбиқ эта бошладилар. Ленин партияси Марказий Комитети белгилаб берган бу ҳаётбахш режалар совет кишиларининг моддий ва маданий фаравонлигини янада оширишга, Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнинг илмий-педагогик даргоҳимиз асосан ер илмининг соҳибларини, заминкорларни, деҳқончилик мирошкорларини воятга етказиб беради. Ҳозир уни битириб чиққан ўн мингдаб мутахассислар Иттифоқимизнинг турли районларида, галлада, пахтадан, бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб элга танилмоқдалар, партия аграр сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда ўз муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Коллективимиз КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларига дахлдор ва ўндан манфаатдор эканлигини чуқур ҳис этади, зиммасида катта масъулият турганлигини англайди, шунга яраша кенг кўламда назарий илмий-методик ва амалий иш олиб боришни ўзининг бурчи деб билади. Марказий Комитет Пленуми маъқуллаган СССРнинг Озиқ-овқат программасида, шунингдек, Пленумдан кейин қабул қилинган қатор қарорларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, агросаноат комплексининг ҳамма бўғинлари экономикаси самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча тармоқларни тез ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб берилган. Бу ҳужжатлар узоқ йилларга мўлжалланган бўлиб, улар ҳаммамиз учун ҳаракат программасидир. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрланадиган бизнинг институтимизга бевосита дахлдордир. Чунки қишлоқ хўжалигини бошқариш ва умуман бу соҳанинг иқтисодий ресурсларини ҳаракатга келтириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агросаноат комплекслари, колхоз ва совхозлар учун муваффақиятли иш юрита оладиган юқори малакали агрономлар, бухгалтерлар, экономистлар тайёрлаб беришимиз лозим. Биз бу соҳада анчагина ютуқларга эришган бўлсакда, лекин қўйилаётган проблемалар, вазифалар масъулиятимизни чуқурроқ англашимизни тақозо этмоқда.

Биз беш йил ўқитиш ва практика ўтказиш давомидаёқ студентларнинг хўжаликни юритиш, унинг иқтисодий аҳволини таҳлил қила олишларига озми-кўпми имкон берадиган даражада билим ва кўникма берамиз. Лекин тажриба кўрсатиб турибдики, бу камлик қилмоқда. Биринчи курсданоқ студентларга назарий билим бериш билан бирга ердан, табиий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини чуқурроқ ўргатиб боришимиз зарур экан.

Май Пленуми ҳужжатлари партия комитети ва ректорат қўшма мажлисларида атрофлича ўрганилди, муҳокама этилди. Институтимизда тарихий қарорни амалга ошириш ,унга студентлар эътиқодини кучайтиришда ҳамда меҳнаткашлар орасида кенг пропаганда қилишда ҳар бир коммунистнинг бурчи аниқлаб олинди. Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида май Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ қилишга бағишланган тадбирлар янада ойдинлаштирилди. Ректорат ва партқомда республикамиз колхоз ва совхозлари учун ўрта бўғин раҳбар кадрлар тайёрлаш 2 йиллик мактабини ташкил этиш зарур, деган қарорга келинди. 3—4 курс талабалари учун мўлжалланган мазкур мактаб очилишида институт профессор-ўқитувчилари жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Тупроқшунослик, экономика, сиёсий иқтисод кафедралари коммунистларининг эътиборини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни такомиллаштириш методикасидан дарс беришни тубдан яхшилашга қаратиб келмоқдамиз. Бу ишда биз тажрибали олимлар, яхши мутахассислар, катта ўқитувчилар узоқ йиллар давомида орттирган тажрибалардан фойдаланмоқдамиз. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экономикаси кафедраси олимлари ва ўқитувчилари методистлар билан биргаликда ўз ишларига СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қабул қилган қарор ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладини асос қилиб олдилар. Ҳозир 1962—1983 ўқув йили программаси тайёрланмоқда. Ҳозир бундай программа биз учун сув билан ҳаводек зарур. Бу табиий, чунки қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш, иқтисодий механизмни такомиллаштириш, колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш каби энг муҳим тадбирларни амалга оширишга бутун мамлакат бўйлаб актив киришилди.

Институтимиздаги барча кафедралар, партия ва комсомол комитетлари, жамоат ташкилотлари, студентларнинг илмий кенгашлари, «Билим» жамияти, ҳуллас, катта илмий даргоҳнинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятник май Пленуми қарорлари билан, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш тадбирлари билан боғламоқда. Студентларнинг ижтимоий активлиги, кўникма ва сиёсий-ахлоқий билим даражасини оширишга хизмат қилаётган пропаганданинг барча форма, усул ва воситаларидан самарали фойдаланмоқдамиз. 4 та факультетга эга бўлган коммунистик тарбия университети, ёш лекторлар мактаби, доимий семинарлар, барча факультетлар ва ўқув-хўжаликларида очилган «Олтмиш йилликнинг олтин саҳифалари» лекторийларининг программаси май Пленуми ҳужжатлари билан тўлдирилди. Институтимиз ўқитувчилари, хусусан, иқтисодчи олимларимиз, ер илмининг соҳиблари бўлмиш профессор ва доцентлар ҳосилдорликни оширишнинг аҳамияти, хўжалик ҳисобининг роли, пул муомаласи, кредитлаш проблемалари, нарх ва фойда, таннарх ҳамда рентабелликнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш учун бўлган аҳамияти ҳақида лекциялар ўқимоқдалар, илмий ишлар ёзмоқдалар. Аниқ фанлардан билим бериши яхшилаш учун илмий-методик тадқиқотларни ўтказмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми ҳамма жойда қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни бошқаришни яхшилаш мақсадида агросаноат комплексини мустаҳкамлашга ташкилот сифатида аж ратишни таклиф этди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги бўйича мана шундай тегишли бошқарув органларини тузишга киришилмоқда. Бундан ташқари ҳар бир колхоз, ҳар бир совхознинг хўжалик юритиш мустақиллигини ривожлантириш ва уларнинг экономикасини мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Бунинг сабаби аниқ: колхоз ва совхозлар бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг негизидир.

Мамлакатнинг аграр сиёсати бўйича партиямиз Марказий Комитети белгилаган бу муҳим тадбирларни рўёбга чиқаришда қишлоқ хўжалик мутахассислари катта роль ўйнайдилар. Ҳа, фақат қишлоқ хўжалик мутахассислари, уларнинг партия, халқ ишига сидқидилдан муносабати, шахсий истеъдоди мана шундай улуғвор программани ҳал этишга қодир. Масалага шу томондан ёндашадиган бўлсак, бизнинг институтимиз олдига бениҳоя катта вазифалар қўйилганлигини равшанроқ кўриш қийин эмас.

Институтимиз ва унинг Фарғона филиали бағрида ҳозир жами 12 мингга яқин студент таҳсил кўрмоқда. 1981—1990 йиллар мобайнида биз минглаб юқори малакали агрономлар, экономистлар тайёрлаб берамиз. Булар мамлакатда Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшадиган иқтидорли кадрлар бўлади. Уларни жамиятимизнинг муносиб кишилари қилиб етиштириш билан институтимиз ва унинг Фарғона филиалида 500 дан зиёдроқ профессорлар, доцентлар, ўқитувчилар, методистларнинг бутун бир шоҳли отряди шуғулланмоқда. 400 га яқин коммунист, 4 минг комсомол аъзоси мана шу олийжаноб ишга сафарбар этилган.

Озиқ-овқат программаси жамийки лекцияларга, суҳбатларга, учрашувларга энг асосий мавзу бўлмоқда. Муҳими шундаки, институтимизни битириб чиқувчи студентлардан 100 киши КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларига амалий жавоб бўлсин деб, колхоз ва совхозларга ўрта бўғинларда раҳбар кадрлар сифатида ишлаш учун жўнаб кетдилар. Улар шу йилнинг ўзидаёқ мўл ҳосил етиштиришга аҳду паймон қилдилар.

Кадрларга, энг муҳими мутахассис кадрларга эътибор ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбарлари фаолиятининг марказида бўлиши керак. Зеро, бу масалага партия Марказий Комитети катта эътибор бермоқда. Биз институтимиз даргоҳидан йўлланма олиб жойларга борган студентларимизнинг тақдири билан жиддий равишда қизиқамиз. Уларни қандай кутиб олишди, ўз мутахассиси бўйича ишлаяптими, йўқми — мунтазам суриштириб турамиз. Лекин, айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари агрономлардан, малакали экономистлардан бошқа мақсадларда фойдаланаётганликларини эшитиб қолишга тўғри келмоқда. Бундай фактларга ўрин бўлмаслиги керак. Институтимизни шу йил битириб жойларга бораётган ёш мутахассислар орасида ҳар томонлама етук йигит қизлар бор. Улар истеъдодли ва қобилиятли ёшлардир. Шу сабабли ёш мутахассисларнинг камолотини назардан қочирмаслигимиз лозим.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев май Пленумида қилган докладида бундай деди: «Ишбилармон, жонқуяр одамлар бошчилик қилаётган участкадан кўнгил тўқ бўлавериши мумкин. Бундай раҳбарларни —ўз ўрнини топган киши дейдилар. Қобилиятли, истиқболли ёшларни ўз вақтида пайқаб, юқори кўтариш, уларга раҳбарлик, хўжалик юритиш ва тарбия илмини ўрганишда ёрдам бериш район ва область партия комитетларининг бевосита бурчидир».

Яхши агроном бўлиб етишиш учун илму фанни, унинг сирларини ўрганиш кифоя қилмайди. Назарий билим амалиёт билан тўлдирилгандагина кутилган натижани бериши мумкин. Институт ректорати ва партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ўқув-тажриба участкасини янада кенгайтириш, бу ерда деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг индустриал усулларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу участка оз эмас ,пақ 3,5 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Шундан икки минг гектарида «оқ олтин» етиштирилади, қолганлари боғ-роғлар, ёрдамчи хўжаликлар— 800 қорамолга мўлжалланган чорва комплекси, паррандачилик фермаси бор. Улар студентларнинг иқтидорий меҳнат қиладиган майдонига айланган. Биз бу йил камида 8 минг тоннага яқин пахта, кўплаб гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшамиз.

З. МАҚСУДОВ,
Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти партия комитетининг секретари, доцент.

Ўлкамизда тўкин-сочинли ёз фасли. Боғларда етиштирилган мўл-кўл ҳосилни нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш авжида. Арнасой районидаги Гречко номли боғдорчилик-узумчилик совхозида ҳам ҳосилни саранжомлаб олиш ишлари қизитиб юборилган. Улар юбилей йилида 200 гектар майдондаги боғдан 630 тонна мева ва 400 гектар токзордан 2.400 тонна узум топширишга азму қарор қилганлар.

СУРАТДА: бўлим агрономи Эсонбой Норов илғор ишчи Муҳаббат Раҳмонова билан терилган олмаларни жўнатишга ҳозирланяти.

Ж. Тўраев фотоси.

ЧЎЛҚУВАРЛАРГА УЙЛАР

Жиззах яқинидаги цементсиз панеллар комбинати қишлоқ уй-жойлари учун дастлабки маҳсулот — енгил, пишиқ конструкциялар тайёрлаб берди. Посёлка қурувчилар шундай маҳсулотлар комплектидан бир оила ёки икки оилага уч хонали ва тўрт хонали уйлар қурадилар.

Уй-жойларни монтаж қилиш учун бақувват кўтаргич механизмлар талаб қилинмайди. Уларни оддий лебедка ёрдамида йиғавериш мумкин. Чунки цементсиз — пластификатор қўшиб оҳак қоришмасида тайёрланган панеллар унча оғир эмас. Бу нарса қишлоқ қурувчилари кучларни яхшироқ тақсимлашларига ёрдам беради. Масалан, тўрт киши ва бир звено уйни атиги уч кунда қуриб битказади. Орадан бир ҳафта ўтгач эса унга оилалар кўчиб киравериши мумкин.

(ЎзТАГ).

„Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО»

«Шу ўринда бизни контроль-ревизия бошқармаси мажмурияти, қолаверса, министрликдаги бу соҳага дахлдор ўртоқларнинг тутган позицияси ниҳоятда ажаблантиради. Энг аввало битта корхонага тўрт йил қаторасига бир ревизорнинг юборилишини қандай баҳолаш мумкин?! Бундай практика контроль-ревизия ишида қўлланилмаслиги аниқ-ку, ахир! Иккинчидан, З. Ҳасановнинг актини тасдиқлаётган кишилар тафтиш юзаки эканлигига, бирон-бир кичик нуқсон ҳам кўрсатилмаганлигига, тамомила бирбирига ўхшашига эътибор беришлари лозим эди».

Бу сатрлар «Қишлоқ ҳақиқати»нинг 9 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада олинди. Унда республика Қурилиш министрлигининг собиқ «Ўзбекнерудстроймате рациали» трестига қарашли Олмалиқ норуда бинокорлик материаллари карьерини ва Давлат банки Олмалиқ бўлимининг бир гуруҳ ходимлари ўзаро тил бириктирган ҳолда катта миқдорда пул маблағини талон-тарож қилганликлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган эди. Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва Давлат банкининг Тошкент область конторасидан қуйидаги жавоблар олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ:

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг контроль-ревизия бошқармаси томонидан ўтказилган тафтишда Олмалиқ норуда бинокорлик материаллари карьерида Давлат банки Олмалиқ бўлимининг бир қатор ходимлари билан тил бириктирилган ҳолда катта миқдордаги пул маблағи талон-тарож қилинганлиги аниқланганди. Бу жиноят Давлат банкининг Олмалиқ бўлими томонидан берилган ҳисоб карточкасининг қалбаки кўчирмалари билан яшириб келинган эди. Контроль-ревизия бошқармаси ревизия материалларининг тергов органларига ўтказилиши учун ўз вақтида шошилинч чоралар кўрди. Бу — Давлат банкининг Олмалиқ бўлимидан пул чеки, ҳисоб карточкаси, ҳақ тўлаш карточкалари сингари ҳужжатларнинг асл нусхасини олиш ҳамда халқ мулкини талон-тарож қилганларнинг пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмларини ҳисобга олиш имконини берди.

Барча тафтиш материаллари контроль-ревизия бошқармаси томонидан ўз вақтида Олмалиқ шаҳар прокуратурасига ўтказилганди. Шуниндек, бу ревизия якуларни министрликнинг коллегиясида атрофлича кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинганди.

Кадрлар тавлаш ва жойжойига қўйишда нуқсонларга йўл қўйганлиги, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳақида етарли чора кўрмаганлиги учун «Ўзбекнерудстроймате р а ц и л и» трестининг бошқарувчиси Э. Т. Холиқов ўз вазифасидан бўшатилиб, унинг ўринбосари Н. Х. Хайитов ҳамда мазкур трест бош бухгалтери С. А. Шин қаттиқ маъмурий жавобгарликка тортилганлар.

Министрлик «Главстройиндустрия» бош бошқармасининг собиқ бошлиғи Н. А. Ходирев кадрлар танлашда қамчиликка йўл қўйганлиги ҳамда назоратни сусайтириб юборганлиги учун, министрлик контроль-ревизия бошқармасининг бошлиғи З. М. Зигизмунд эса тафтиш ишлари сифатини етарлича назорат қилмаганлиги учун жазоландилар.

Министрлик коллегияси томонидан социалистик мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлида олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланган. Ҳозирги пайтда барча корхона ва ташкилотларда республика Ички ишлар министрлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар контроль-ревизия иши самарадорлигини оширишга, социалистик мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

С. ОМЕРОВ,
Ўзбекистон ССР қурилиш министри.

ДАВЛАТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ:

«Жиноят ва жазо» мақоласи Давлат банкининг Тошкент область конторасиқ коллективи ўртасида ва областдаги барча Давлат банки муассасаларида атрофлича муҳокама қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг контроль-ревизия бошқармаси томонидан Олмалиқ норуда бинокорлик материаллари карьерида кўп миқдордаги пул маблағи талон-тарож қилинганлиги аниқланганч, прокуратура органларининг топширигига кўра Давлат банкининг Тошкент область конторасн ҳузуридаги ревизия аппарати Давлат банки Олмалиқ бўлимида комплекс тафтиш ўтказиб, барча ҳисоб карточкалари ҳамда улардан берилган кўчирмаларнинг бир-бирига тўғри келиши-келмаслигини текшириб чиқди. Барча ҳужжатлар бир-бирига солиштирилди. Давлат банки Олмалиқ бўлими томонидан хизмат кўрсатиладиган асосий корхона, ташкилот ва муассасаларда нақд олинган пулларнинг кирим қилиниши назоратдан ўтказилди.

Катта миқдордаги пул маблағи талон-тарож қилинганлиги аниқланганч, Давлат банкининг Тошкент область конторасн 1978 йилдан бошлаб банк операцияларининг бажарилиши, муҳрштамп, ҳисоб карточкалари ва бошқа ҳужжатларнинг сақланишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриб келмоқда. Область конторасига қарашли барча муассасаларга Давлат банкида ўтказиладиган операцияларнинг қонунга мувофиқ равишда бўлишини назорат қилишни кучайтириш вазифаси юклатилди.

Олмалиқ норуда бинокорлик материаллари карьери ва Давлат банкининг Олмалиқ бўлими бир гуруҳ ходимлари томонидан содир этилган жиноятни очиш юзасидан олиб борилган барча тергов материаллари СССР Давлат банкининг Ўзбекистон конторасн правленнеси иғилишида муҳокама қилиниб, бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Давлат банки республика конторасининг 1981 йил декабрь ойидаги буйруғига мувофиқ ҳисоб-китоб ва кредит аппарати ишини назорат қилишни таъминламаганлиги учун Давлат банки Олмалиқ бўлимининг бошқарувчиси Т. Л. Хашаев вазифасидан четлаштирилди.

Ш. ЗОҲИДОВ,
Давлат банки Тошкент область конторасининг бошқарувчиси.

ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИНИНГ ЧОРВАСИ

ИЛҒОР ТАЖРИБА АДРЕСИ — Коғон районидаги «Коммунизм» колхозининг Икром Тўхтаев бошлиқ бригадаси.

КОЛЛЕКТИВНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ — асосан пахта етиштириш. Шунингдек, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғулланади.

БРИГАДАНИНГ АСОСИЙ ШИОРЛАРИ — «СССР 60 йиллигига 60 центнердан пахта етиштирамиз!», «Чорвасиз хонадон бўлмаслиги керак!»

Колхоз раиси Барот Ғофуров далаларни айланиб юриб 11-бригадага етиб келганда тушки овқат маҳали бўлиб қолганди. Бригада бошлиғи Икром ака раисни тушки овқатни шу ерда қилишга ундади:

— Ҳалиямми одамлар тушки танаффусга чиқиб қолишади,— деди у. — Чойни бирга ичайлик.

Раис далада тайёрланган овқатнинг лаззатини яхши билади. Айниқса, унумли меҳнатдан сўнг одамнинг иштаҳаси очилиб, таом яхши ҳазм бўлади. Колхозчилар бирин-кетин тушликка етиб келишди. Бригада ошпази Матлаб опанинг қўли-қўлига тегмайди.

—Совутмасдан иссиқ-иссиқ ичинглар, — дейди у — косаларга қайнатма шўрванни қуяркан. — Бугун янги қизарган помидордан солганман. Мазасига ўзинглар баҳо беринглар.

— Ўзим шўрвани қиём қилворибсиз, Матлаб опа.— деди колхозчилардан бири косани бўшатаётиб. — Раҳмат сизга, танам яйраб кетди.

— Раҳматни Бақо акангизга айтинг, таомни мазали қилган у кишининг пайкалидаги масаллиқлар-ку, — деди Матлаб Ҳайдарова.

Раис одамларнинг суҳбатини вазминлик билан тинглар экан, кўнглида қониқиш ҳиссини сезди. Тушки овқат пайтида айтилган ҳазил-мутойиба аралаш гапларда ҳам бригаданинг аҳиллиги шундоқ кўриниб турарди. Ҳа, аҳиллик бор жойда барака бор. Бригада бошлиғи Икром Тўхтаевнинг ўзи меҳнаткаш, сергайрат инсон. Қачон қарасангиз бригада ишларини эл қатори бажариб юради, мен бошлиқман, демайди. Аслида олтин ўтда, одам меҳнатда синалади, деган нақл жуда тоғиб айтилган. Мана Икром ака бошлиқ бригадаси мисолга олайлик. 80 гектар майдонга пахта экган. Ўтган йили 50 центнерлик ҳосилни дўндириб қўйди. Бу йил «60 йилликка 60 центнердан» шиорини шиёнон пештоқидаги алвонга ёзиб қўйибди. Аслида биздан пахтанигини сўранг, раис ака, деб бошқа ишларни йиғиштириб қўйиши мумкин. Лекин бундай иш тутиш Икром Тўхтаевнинг ҳам, бригада аъзоларининг ҳам табиатига тўғри келмайди.

Бригадани катта бир рўзғорга, аҳил ва баракали рўзғорга қиёс қилса бўлади. Шийпон ёнида бригаданинг ўзига яраша чорваси бор. Камол Ҳамроев масъулиятини ўз зиммасига олган бу кичик фермада 8 та қорамол, 100 та товуқ, 30 та қўй, 15 та қўй боқилади. Шуларнинг ҳаммасига Камол ака ва унинг ўғли Раҳмон қарайди. Молларга озуқа учун ҳам узоққа боришнинг ҳожати йўқ. 1,5 гектар ерда беда, 1 гектар майдонда буғдой, 5 гектар ерда маккажўхори ўстириляпти. Бақо Эргашев сабзавот-полиз экинлари учун жавоб беради. У кишининг ихтиёрида помидор, сабзи, ошқовоқ, картошка, қовун-тарвуз, хатто мева ва узум ҳам бор. Юзаки ўйлаган одам шунча ташвишнинг нима кераги бор, буларни колхоз фондидан олиш мумкин-ку, деб ўйлайди. Асло бундай эмас. Шу ишларнинг ҳаммаси-бригада учун, унинг одамлари учун.

Колхознинг ҳисобдон бухгалтерларидан бири Икром Тўхтаев бригадаси ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, колхозга қанча фойда келтираётганини ҳисоблаб чиқибди. Бу жуда яхши! Лекин одамларнинг шу ёрдамчи хўжалик шарофати билан қанчадан-қанча қимматли вақтни тежаб қолишини қандай ўлчаш мумкин? Энг муҳими бригада аъзоларининг кўнгли тўқ, кайфияти бардам юришини, ўз ишидан қониқиш ҳосил қилишини қайси рақамларда ифодалаб бўлади? Мана ёрдамчи хўжаликнинг бугунги самараси! Колхоз омборида бирда бўлмаса бирда гўшт-ёғ узилиб қолиши мумкин, картошканинг таги кўриниб, таъминотда қийинчилик бўлиши мумкин. Лекин бу бригадада бунақа бўлмайди. Йил — ўн икки ой ҳамма нарса бадастир. Шийпондаги мавсумий болалар боғчасидаги кичкинтойларга ҳам кунига шу ердан сут-қатиқ етказиб турилади. Фақат шугина эмас, бригадада эҳтиёждан ортиқча маҳсулот давлатга топширилади. Раис шуларни ўйлаб Икром Тўхтаевга кўпчилик олдида раҳмат айтиб қўйгиси келди.

Лекин бригадир гапни ўзи бошлаб юборгани учун раис унга қулоқ осди.

— Биз, бригада аъзолари сиздан бир маслаҳат сўрамоқчийдик,— деб қолди Икром ака. Одамлар асосан овқатланиб бўлган, ҳали тушки танаффус давом этарди.

— Ҳўш, қанақа маслаҳат экан, қўлимиздан келса бажонидил, — деди раис саратонининг иссиғидан чақчоғини босиш учун кўк чойни хўпларкан. Бригада аъзолари бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Ҳамма бригадирнинг оғзига қарарди.

— Чорвамизнинг ривожи яхши. Дастурхонимизни таъминлашдан ташқари озми-кўпми даромад келтириляпти. Ана шу фойданинг салмоғини ошириш учун чорвадоримиз Камол Ҳамроев ондатра боқишни таклиф қилянти. Бундан ташқари шийпон олдидаги ҳовузда балиқ боқсак ҳам ёмон бўлмасди.

Раис кўнглидаги қувончни яшира олмади.

— Раҳмат сизларга! Бунақа ташаббусни қувватламай бўладими? Сиз, бригадир, шу фикрингизни эртаги йиғилишда ўртага ташланг, бошқа бригадирларга ҳам ибрат бўлади. Газета ўқийсизлар, радио эшитасизлар, ҳозир бутун мамлакатда Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун катта қураш кетяпти. Партиямиз чақиригига сизларнинг муносиб жавобингиз бу!

— Аммо, раис, бизнинг ҳам сиздан баъзи илтимосларимиз бор, — деб сўз олди давра четроғидан жой олган механизатор Рустам Ўроқов. Кўпни кўрган бу одам ган келганда кўнглидагини айтиб олмоқчи эди. — Ўйда 2 та сигир, 2 та новвос, бир хонадонга яраша қўй боқяпмиз. 6-синфда ўқийдиган ўғлим Ўлмасинг мол-ҳолга қараганда қўли келиб қолган. Аммо уларнинг емиши бироз камайиб қолаётган кўринади. Тайёрлов идорасидагилар давлатга топширган ҳар бир кило гўшт учун 2,5 килодан омуҳта ем ваъда қилишган. Лекин дала ишлари билан бўлиб буларга улгуролмаяпмиз. Шунга бироз ёрдам қилиб юборсангиз.

Барот ака мийигида кулиб қўйди. У ҳуда-беҳудага ваъда бераверишни ҳуш кўрмайди. Бироқ шу дақиқаларда бу жонқуяр одамлардан меҳри товланиб кетиб:

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, озуқа масаласини, албатта ҳал қиламиз, — деди.

Шу тарика тушликка чиққан колхозчилар раисга ўз эҳтиёжлари ҳақида гапириб беришди. Аслида дам олиш учун ажратилган вақтнинг бир қисми муҳим масалаларни ҳал этишга сарф бўлди. Нима қилибди, баъзида иш манфаати шуни тақозо этади...

Кўп ўтмай тушки дам олиш ҳам тугади. Колхозчилар бирин-кетин ўз иш участкалари томон тарқалиб шийпонда одам камайиб қолди. Раис бригадир билан хайрлашиб, машинасида одамлар айтган масалани ҳал этиш учун марказ сари йўл олди.

...Дарҳақиқат, Коғон районидаги «Коммунизм» колхозининг Икром Тўхтаев бошлиқ бригадасида ички резервларни ишга солиш бўйича ибратли тажриба тўпланган. Биз бригадада бўлганимизда бунга яққол ишонч ҳосил қилдик. Шуниси характерлики, бригада аъзолари орасида шахсий чорвага эга бўлмаган киши йўқ. Бригада бошлиғининг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

— Энг муҳими шахсий намуна бўлиш керак. Мен хонадонда 2 та новвос, 1 та сигир, 5 та қўй, 25 та товуқ боқаман. Кеч кирганда уйга ҳар ким бир боғдан ўт олиб бориш одат тусига кирган (айни пайтда пахта далаларида бетонга ўтдан ҳам тозаланади). Ўғлим Исмоил моллари меҳр билан парваришлаганини кўрганимда қувониб кетаман: ахир меҳнатга муҳаббат шу тарика уйғонади-да. Қолаверса, шаҳар шаронтида ўсган баъзи болалар ҳайвонот дунёсини яхши фарқламаган бир пайтда бизнинг болалар ҳар бир сигирга ёки қўйга ном қўйиб олишган. Буям ҳайвонотга, табиатга меҳр эмасми?!

Биз кичик бир коллективда бажарилаётган ишлар қамровини кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилдик. Ўтган йили бригада аъзолари 3200 килограмм гўштни (бу эҳтиёждан ортиқчаси) давлатга топширишибди. Шийпондаги ёрдамчи хўжаликдан ҳам 2500 килограмм гўшт давлатга сотилган. Асосий иш фаолияти пахта етиштириш бўлган бу коллектив озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришдек умум ишга арзигулик ҳисса қўшмоқда. Бу тажриба қанча кўп жойда қўлланилса, рўзғорга ҳам, план ва мажбуриятларга ҳам барака кирган бўларди.

Ш. ЖАББОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Бухоро области.

СУВ ТОҚҚА ОҚА БОШЛАДИ

▲ «Файзнобод» насос станцияси сувни юз метрдан ҳам баландликка кўтариб бермоқда. Бу насос станциясининг иккинчи навбати Жанубий Фарғона каналида қуриб битказилди. У секундига тўрт кубометр сув чиқариш қувватига эга. Станция Фарғона районидаги Ленин номли, «Коммунизм» колхозларидаги, «Ёш ленинчи» совхози ва Олтиариқ районидаги бир қанча хўжаликлардаги пахтазорларга ва бошқа қишлоқ хўжалик экинзорларига сув чиқарди.

Ҳозирги вақтда «оқ олтин» етиштиладиган йирик зона ҳисобланган Фарғона областидаги дарё ва каналларда юздан кўпроқ дизель ва электр насос станциялари ишлаб турибди. Бу насос станциялари ғўзаларни суғориш даврида далаларга ҳар секундда бир юз қирқ кубометрдан знёд сув чиқариб беради. (ЎзТАГ).

Ипак пахтадан юқори ҳосил етиштириш илгор тажриба ва кўп меҳнат талаб қилади. Қарши районидаги «Москва» совхози пахтакорлари икки йилдан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг С. В. Стародубцев номли физика-техника институти ва ТИИИМСХ олимлари билан ҳамкорликда бу соҳада иш олиб бориғаётир. Улар янги нав яратиш ишқида изланяптилар.

СУРАТДА: ТИИИМСХ Қарши филиалининг ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Чори Аслонов (чапда) ва аспирант Рустам Бузруков тажриба участкасида.

Ш. ШАРОПОВ фотоси. (ЎзТАГ).

ЭГАТЛАРДА ЧИРОҚ ШУЪЛАСИ

РЕПОРТАЖ

Қуёш кун бўйи олов пуркади. Саратон офтобида ғўзаларнинг барглари қорайиб сўлий бошлади. Бундай кезда бутун борлиқ, табиат сув истайди. Эгатларда сув оқиши билан ғўзалар яшнаб кетади. Оқшом тушиб, кўкда юлдузлар чамани пайдо бўлган кезда пайкал ёнига уч киши келиб тўхтади. Уларнинг қўлларида фонус, елкаларида кетмон. Ҳув ана сувчилар ўқариқ йўлини очиб, оби-ҳаётни эгатларга бир меъёрда тарашляпти.

Уларга яқинлашамиз.

— Улар Ибот Муродов, Ўрин Тўраев, Шойқул Овлоевлар, — дея таништирди ҳамроҳимиз, совхоз бош агрономи Темир Муртозоев.

— Ҳорманглар, ғўзаларни мириқтиряпсизларми?

— Келинглар,—дейди улар мамнун. — Ғўзаларни кунда бир яшнатиш учун сув керак. Айниқса, сизлар кўриб турган бу пайкалдаги ғўзалар бугунги иссиқдан барглари бироз қовжираб қолган экан. Сув таралиши билан яшнаб кетди.

Саррин шабада киши қалбига ҳузур бағишлайди. Кенг далага боқамиз. Мириқиб, сувга қонаётган ғўзалар бободеҳқон билан ширин суҳбат қураётгандек тун шабадасида барглари аста шитирлайди.

Сувчилар эгатларга сув йўлини очиб бизни қатор толлар тагидаги шохсупага бошлашди. Бу ерда яна икки сувчи Тошқул Эшмуродов ва Ашур Темировлар билан танишдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, улардан бири чой қуйиб бизга узатди:

— Ғўзага тунги сув қанчалик малҳам бўлса, кишига қайноқ чой шунчалик ёқади. — Қани марҳамат.

— Шийпонга чиқмайсизларми?

Агрономнинг бу саволига сувчиларнинг группа бошлиғи Ибод Муродов тезда жавоб қайтармади. Бизни ўтиришга таклиф этаркан, оҳиста гап қотди:

— Деҳқон жой танламайди, аслида сув қаерда бўлса, сувчи ҳам ўша ерда бўлиши керак.

— Шийпонда ҳам дам оламиз, олдин мана шу картадаги ғўзаларни оби-ҳаётга қондирайлик, — дея гапни илиб кетди Шойқул Овлоев, ҳозирча иш тиғиз, вақт ғанимат.

Кўк чой ҳиди димоққа ёқимли туюлади. Чой ичяпмиз-у кўзимиз ариқдан чироқ шуъласида жимирлаб оқаётган сувда.

— Экинлар шу йўсинда суғорилса яхши бўлади. Таралган сув ерга бир текис сингиб, тупроқда нам кўп сақланади. Бу эса ғўзанинг узоқ вақт сув талаб қилмаслигига имкон беради, — дея сўзида давом этади Шойқул ака.

Шу тобда пайкал сўнггида турган сувчи қўлга фонусини олиб, бўй баровар кўтарди-да уни икки-уч бор силкитди. Буни кўрган Ибод ака қўлига кетмонини олиб канал томон юрди. Аниқланишича бир неча шох-шаббалар йиғилиб насос йўлига тўғаноқ бўлиб қолибди. Улар олиб ташлангач сув яна ўйноқлаб равон оқа бошлади. Бу пайтда биз томон бир аёл кела бошлади.

— Бригада бошлиғи Гулчеҳра Тўраева бўладилар,— деди сувчилардан бири. — Кечаю-кундуз тинмай-тинчимайди, дала кезгани-кезган. Қараб турмайди. Аравани коллектив билан баравар тортади. Ҳақиқий замонамиз қаҳрамонлари шулар.

Орадан озгина вақт ўтар-ўтмас бригада бошлиғи етиб келди Суҳбатимиз яна авжига чиқди. Гап орасида биз бригадирдан бу йилги режалари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Юбилей йилида 82 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдамиз, — дея гап бошлади Гулчеҳра Тўраева. — Еримиз яхши. Пил бошида ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган эдик. Республикамизнинг бир группа донгдор бригада бошлиқлари ташаббусига қўшилиб, илгариги мажбуриятимизни яна 10 центнерга оширишга аҳд қилдик. Ҳўжалигимизда 24 та пахтачилик бригадаси мавжуд бўлиб, ҳозир унинг 8 таси бу ташаббусга қўшилиб ишламоқда. Ўзимизга келсак ғўзаларимизнинг ривожи яхши. Аммо биз бу билан қаноат ҳосил қилмаслигимиз даркор. Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Шуни ҳисобга олиб ҳар туп ғўзада 8—10 та бўлиқ кўсак ҳосил қилмоғимиз даркор. Бунинг учун чеканкани мумкин қадар тез фурсатда ўтказиш талаб этилади. Июль ойининг учинчи ўн кунлигида бу тадбирни ҳам бошлаб юборамиз. Шу кунгача ғўза қатор ораларига тўрт марта сифатли ишлов бердик. Суғориш, озиқлантириш ишлари ҳам бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда.

Суҳбатни сувчи Ўрин Жўраев бўлиб юборди.

— Гулчеҳра опа ҳам келиб қолибдилар-ку, дея кетмонини қўйиб супага чиқди у.

— Ҳорманг, Ўрин ака, ишлар дурустми?

— Ҳаммаси кўнгилдагидек опа, — оби-ҳаёт таралган эгатлардан хабар олиб келяпман. Сув яхши оқяпти. Эрталабгача 2 гектар майдон сувдан чиқади.

Сувчилар билан хайрлашиб бош агроном Темир Муртазоев билан йўлга чиқдик. Дала шийпонига яқинлашганимизда машина фарасининг шуъласи кўринди. Машинадан совхоз директори Тўра Шодиев тушди. Салом-аликдан сўнг:

— Кабинага чиқинглар, далаларни айланиб сувчилар иши билан танишамиз, — деди директор.

— Машина дала йўлида қўшни бригада томон қушдек учиб кетди. Бир зумда бригада шийпонига етиб келдик. Машинадан тушиб, фонус ёруғида экинларга оби-ҳаёт таратаётган сувчилар ёнига бордик. Бу Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомат Алматов бошлиқ бригада миришкорлари эди.

— Ғўзаларнинг жонини киритяпмиз. — Бугунги таратган ҳар қатра сувимиз эрта кузда ҳовуч-ҳовуч «оқ олтин» бўлишини яхши биламиз, — дейди биз билан суҳбатда бош сувчи Ёдгор Бобоназаров.

Сокин ва беғубор тонг пардаси ҳарир рўмолини билинар-билинмас кўтараётган бу паллада фонус ёруғида ғўза тупларидаги кўсакларни санаймиз. Тўрт-беш, бошқасида олти-саккизта. Тонгни қаршилаш иштиёқида янгигина қуртак ёзган беҳисоб гуллар-чи? Аллақандай муаттар ҳид таратиб турибди. Тонг отиши билан бу гуллар ўз жамолини кўз-кўз қилади.

Бригада заршунослари ҳам ҳар гектар ердан 60 центнердан хирмон кўтариш учун курашяптилар. Механизатор ва сувчиларга барча шарт-шароит яратиб берилган.

Биз шу куни хўжаликнинг яна икки-уч бригадасида бўлдик. Ҳамма ерда меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Совхоз заршуносларининг кайфияти баланд. Даладан қайтар эканмиз, совхоз директоридан юбилей йилида амалга оширилаётган ишларни билиб олдик. Совхоз пахтакорлари 1500 гектар майдонда ғўза ўстиряптилар. Давлатга 8 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилади. Шундан 2500 тоннасини қиматбаҳо ингичка толали пахта ташкил этади.

Машина совхоз идораси томон йўл олганда тўлин ой ҳам «оқ олтин» ошиқларига кўкдан ҳавас билан боқарди. Ҳа, Қарши районидаги «Ленин йўли» совхози далалари ҳамиша уйғоқ. Тунда сон-саноқсиз фонуслар порлаб, эгатларга шуъла таратяпти. Юксак хирмон бунёд этиш ишқида меҳнат қилаётган қалби қайноқ пахтакорларга ҳавасимиз келади.

А. ФОЗИЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

▲ Шаҳарлараро троллейбус алоқаси Фарғона—Маргилон ўртасида 12 километр масофада троллейбус қатнови бошлайди. Троллейбус орқали бир шаҳардан иккинчи шаҳарга автобусга қараганда тезроқ бориш мумкин. Сайловчиларнинг наказлари га биноан очилган маршрут учун Фарғона билан Кирғили, Кирғили билан Маргилон шаҳарлари ўрталаридаги мавжуд алоқа линияларидан фойдаланилди.

▲ Задарё районидаги «Правда» колхозида манший хизмат уйи очилди. Бу ерда модалар ателъеси, рўзғор буюмлари ремонт устахонаси, пойафзал цехи, эркаклар ва аёллар салони бўлган сартарошхона бор. Бошқа хизматчилар зарур бўлиб қолган тақдирда комплекс қабул пунктига мурожаат қилиш мумкин. Қабул пункти буюртмани область ва район манший-хизмат корхоналари орқали бажаради. Беш йиллик бошдан бери бу ерда Наманган қишлоқларида бешинчи шундай типовой хизмат уйи қурилди.

▲ «Дарғом» канали соҳилида Самарқанд химия заводининг профилакторийси қурилди. Бу ерда бир йил ичида 1400 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз соғлиғини мустаҳкамлаб олиши мумкин. Кўп болали оналарга, уруш ва меҳнат ветеранларига, ишлаб чиқариш илғорларига путёвкаларнинг 20 процента бепул берилмоқда.

▲ Сирдарёнинг хушманзарали соҳилида жойлашган «Ороминжон» дам олиш зонаси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Бу дам олиш зонаси Поп районидаги корхоналар ва ташкилотларнинг иштирокида хашар йўли билан қурилди. Спорт майдончалари, қайиқ станциялари, теннис корти, ошхона, магазинлар ва меҳмонхона дам олувчилар ихтиёрига берилган.

▲ Чустда 320 ўринли болалар боғчаси очилди. Бу ўн биринчи беш йилликда Наманган областида ишга туширилган 35-мактабгача ёшдаги болалар муассасасидир. Областда жами 650 та болалар боғчаси ва яслиси ишлаб турибди. Буларда шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашларнинг саксон беш мингдан кўпроқ болалари тарбияланмоқда.

▲ Қишлоқ қурувчилари Тошлоқ районидаги Охунбобоев номли колхозга 180 ўринли болалар комплексини топширдилар. Бу ерда болалар учун барча қулайликлар мавжуд: бассейн, ўйин майдончалари, ёруғ ва кенг ётоқхоналар, ўйин хоналари бор. Махсус курсларни тамомлаб чиққан ёш тарбиячилар болалар билан машғулотлар олиб борадилар.

▲ Фарғона районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли колхоз учун қурилган 120 ўринли янги болалар боғчаси ҳам фойдаланишга топширилди. Комсомол районидаги Москва колхозида ва Сирдарё районидаги Ильич номли колхозда, Боёвут районидаги «Коммунизм» совхозида ҳам янги болалар боғчалари қуриб битказилди. Қишлоқ қурувчилари мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш ярим йиллик топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Совхозларнинг буюртмаси билан 30 дан ортиқ болалар комплекси барпо этилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ИСРОИЛ БОСҚИНЧИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил агрессорлари Ливан пойтахти қамалини қисиб, унинг аҳолисини бирма-бир қирмоқда, шаҳарни вайронага айлантирмоқда. Фаластин матбуотининг маълумотларига қараганда, улар ўтган куилар мобайнида ғарбий Байрутнинг уй-жой кварталларини юз минг мартадан кўпроқ тўпдан ўққа тутганлар. Узаи, Рамлет Ал-байда, Фаҳани, Сабра, Шатила, Тариқ ал-Жадида районлари ва бошқа кўп районлар аёвсиз тўпга тутилди. Ўқ тикка бориб тегиши натижасида Байрутдаги «Макассед», «Байрут» ва «Барбир» касалхоналарининг бинолари ниҳастланди, етимхона вайрон бўлди. Халқаро аэропорт яқинидаги Бурж-ал-Баражна ва Лайлаки районларидаги уйларнинг 80 процентга якини доимий бомбардимонлар ва тўпга тутишлар натижасида батамом яксон қилинди.

«Бу бемаъни бомбардимонлар тўхтатилмаса Байрут ер юзидан бирма-бир йўқ бўлиб кетади», — деди Ливан бош министри Ваззан.

Исроил снарядлари ва бомбалари Ливан пойтахтига муттасил ёғилиб турган 18 соат мобайнида 300 га яқин киши — асосан тинч аҳоли ўлдирилди ва жароҳатлантирилди, деди журналистлар билан суҳбатда Фаластин раҳбарларидан бири Б. Абу Шариф.

Ёндирувчи снарядлар шаҳарда кўпдан-кўп ёнғинлар чиқарди.

АҚШда ясалган ва босқинчиларга берилган қурол билан, шу жумладан фосфорли, кассетали ва золдир бомбалар, асабни шол қилувчи газ каби даҳшатли қирғин воситалари билан минглаб араблар — хотин-қизлар, эркаклар, болалар ваҳшиёна қирилди. Кўпдан-кўп ёнғинлар бошланди.

Фаластин қаршилик ҳаракати ва Ливан миллий ватанпарвар кучларининг бирлашган отрядлари босқинчиларнинг танклар мададида Узаи районига суқулиб киришга уринишларини барбод этганларидан сўнг агрессор Ливан пойтахти теварагидаги тепаликларда жойлаштирилган тўпларини ишга солди. Исроилликлар Холде шаҳри атрофидаги дастлабки позицияларига чекинаётиб, ўлдирилган ва жароҳатланганлар бўлиб, камида 75 кишини талофот бердилар. Агрессорнинг йигирмата танки ва бронетранспортери мажақланди.

Ливан президентининг Баабдаги саройига бевосита яқин жойда исроилликлар қурган катта ёнилғи омбори шаҳар ҳимоячилари отган тўп ўқи билан ёндириб юборилди.

Байрутда Американинг эмиссарлари Хабиб ва Дрейпер арабларга таслимчилик йўли билан можарони «бартараф этиш»ни тиқиштирмоқчи бўлиб, зўр бериб музокаралар олиб бораётган бир пайтда агрессор қўшинлари тинч ливанликлар ва фаластинликларни қирмоқда, касалхоналар, мактаблар, етимхоналар ва уй-жойларни вайрон қилмоқда, чет эл дипломатик ваколатхоналарини тўпга тутмоқда.

Босқинчилар ўзи босиб олган суверен Ливан территориясида узоқ вақт қолиб кетиш ниятида эканлигининг янги-янги далиллари олинмоқда. Масалан, Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси мухбирининг ёзишича, бу мамлакатнинг жанубий районларида Исроил солдатларининг қишлашига зўр бериб тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳарбий йўллар қурилмоқда, ўқ-дори, озиқ-овқат ва иссиқ кийим келтирилмоқда.

Талофотлар кўпайиб кетганлиги ва Ливанда найрангбозлик янада чўзилиб кетаётганлиги туфайли вужудга келган вазият муносабати билан Исроил солдатларининг норозилиги тобора кучаймоқда. Бегин ҳукумати шу солдатларнинг қўли билан агрессия қилмоқда. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, босқинчи қўшинлар турган жойларда Тель-Авивнинг ҳатти-ҳаракатларини қораловчи варақалар пайдо бўлмоқда. Бегин ва Шарон, дейилади бу варақаларда, «Исроил армиясининг қурол кучи билан Ливанда янги тартиб ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

Бу ерда олинган хабарларга кўра, Исроил ҳукуматининг мажлиси бўлиб, унда Ливандаги вазият муҳокама қилинган. Мажлис тугаганидан сўнг министрлар кабинетининг вакили фаластинликлар шаънига яна дўқ қилиб, музокаралар давом этмоқда, лекин бу музокаларга ажратилган «вақт» чексиз эмас» деган.

БМТ хавфсизлик кенгашининг танглиқдан чиқиш учун реал негиз яратувчи қарорини нима учун Исроил назарписанд этмаётир? Бу саволга бериладиган жавоб битта: Исроил ҳарбийлари Ливан диёрида босқинчилик қилаётганлигининг аввало сабаби шуки, унинг орқасида Қўшма Штатлар турибди ва бу мамлакатга қарши қилинаётган агрессия учун асосий масъулият АҚШ билан Тель-Авив зиммасига юкланади.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ мудофаа министри Уайнбергер Америка телевидениеси орқали гапириб, маъмурият Ливанга денгиз пиёдаларини туширишнинг ниятида эканлигини тасдиқлади. Бу десантнинг мақсади ғарбий Байрутдан фаластиниликлар кўчириб олиб кетилишини таъминлашдан иборатдир, деди у. Президент Рейган эса журналистлар билан қилган суҳбатида «тинчликка эришишдан зарурати бўлса» Ливанга Америка қўшинларини юбориш тўғрисида берган «ваъдамни» бажараман деган.

Ҳақиқатда ган тинчлик ва «Ливанни қутқариш» тўғрисида эмас, балки Исроил ўз агрессиясининг самаларидан тўла-тўкис фойдаланиш учун унга имкон бериш, Яқин Шарқда Американинг ҳарбий базаларини кенгайтириш, Ливанда Тель-Авив билан Вашингтонга маъқул кўғирчоқ режимни ўрнатиш тўғрисида бораётир.

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ҚОРАЛАМОҚДА

ҚУВАЙТ. (ТАСС). Қувайт Амири Шайх Жабр ал-Аҳмад Ал-Жабр Ас-Сабоҳ Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши жиноятқорона агрессиясига ҳомийлик қилаётган Қўшма Штатларни кескин қоралади. У миллий телевидение орқали нутқ сўзлаб, Исроил АҚШнинг сиёсий ва ҳарбий мададисиз ҳеч қачон бундай вахшиёна агрессияга журъат қилмаган бўлур эди, деди. АҚШ ўзини бутун дунёда «Қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деб даъво қилмоқда. Қувайт амири Араб мамлакатларини ўзларининг АҚШ билан муносабатларини қайта кўриб чиқишга даъват этди. Чунки Вашингтон Исроилнинг Ливандаги агрессиясини ва Тель-Авивнинг фаластинлик араб халқига нисбатан геноцид сиёсати ўтказаётганлигини қўллаб-қувватламоқда.

ИСТАМБУЛ. (ТАСС). Исроилнинг Ливанга қарши агрессиясидан мақсад—фаластин қаршилик ҳаракатини тугатиш, регионнинг сиёсий харитасини ўзгартиришдан иборат, деди Туркия визит билан келган Иордания шаҳзодаси Ҳасан бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида. У Исроилнинг барча қўшинлари Ливандан дарҳол олиб чиқиб кетилиши ва БМТ хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюциялари бажарилиши зарур, деди.

Шаҳзоданинг фикрича, Исроил Ливанни босиб олиши мазкур райондаги барча давлатлар хавфсизлигига бевосита таҳдид солади.

МАДРИД. (ТАСС) Испания ва Тунис ҳукуматлари Исроил қўшинларининг Ливандан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

Тунис бош министри Муҳаммад Салоҳ Мзалининг Испанияга қилган визити туғаши муносабати билан бу ерда эълон қилинган қўшма баёнотида ҳар иккала мамлакат Ливаннинг миллий бирлиги, территориал бутунлиги ва суверенитетини таъминлаш зарурлигини ёқлаб чиқаётганликлари таъкидланади. Яқин Шарқдаги можарони ҳар тарафлама ҳал этиш фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз мустақил давлатини тузишдан иборат қонуний ҳуқуқларини эътироф этилишини талаб қилади.

ПАРИЖ. (ТАСС). Франция матбуоти мамлакат президенти Ф. Миттераннинг яқинда Венгрияга қилган расмий визити вақтида бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтган фикрини ҳамон шарҳламоқда. Ф. Миттеран Ливандаги аҳвол тўғрисида гапириб, хусусан, Франция Исроилнинг Ливан территориясидан чиқиб кетишини талаб қилади, деди. У Франция ҳукумати ғарбий Байрутда ва мамлакатнинг бошқа районларида хунрезликни тўхтатиш мақсадида тадбирлар қабул қилади, деб ўқтириб ўтди. Президент Франция «Фаластиниликларнинг ўз ватанига эга бўлиш ҳуқуқи»ни эътироф этади, деб таъкидлади.

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Америка жамоатчилиги Исроилнинг ливан ва фаластин халқларига қарши агрессиясидан ғоят ғазабланмоқдалар. «Вашингтон пост» газетаси «Ливан халқи — бемаъни урушнинг қурбони бўлмоқда», деган сарлавҳа остида «Тинчлик учун ташвишланаётган американликлар» деб аталган жамоат ташкилотининг хитобномасини эълон қилди. «Исроилнинг Ливанга Америкада ишлаб чиқарилган қуроллар ёрдамида бостириб кириши тинч аҳоли орасида кўпдан-кўп қурбонлар бўлишига олиб келди. Бундай геноцид сиёсатини ҳеч нарса оқлай олиши мумкин эмас», — деб таъкидланади ҳужжатда.

Америка жамоатчилиги Ливандаги урушга тобора кескин қарши чиқмоқда. Кўплаб оммавий жамоат ташкилотлари, диний ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар, жумладан жамиятга хизмат қилувчи америкалик дўстлар комитети, черковлар миллий кенгаши Исроилнинг Ливанга бостириб киришини оқлаб ҳаҳр ғазаб билан қораладилар.

«Лос-Анжелес таймс» газетаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шуни кўрсатдики, америкалик ҳар икки кишидан бири Исроилнинг Ливанга бостириб кирганлигини қораламоқда.

САН-ФРАНЦИСКО. (ТАСС). Рейган маъмуриятининг гўё тинчликни сақлаб қолиш юзасидан ўз вазифаларини бажариш учун Ливанга денгиз пиёдалари бўлинмаларини юбориш ниятининг Вашингтоннинг Яқин Шарқда Американинг Ҳарбий иштирокини кенгайтиришга интилаётганлигидан далолат беради, деб ёзади «Пиплз уорлд» газетаси ўзининг редакцион мақоласида.

АҚШнинг ҳарбий аралашуви, деб ўқтирилади мақолада, Яқин Шарққа тинчлик келтирмайди, балки танглиқни янада кескинлаштиради холос. Исроил қўшинларини босиб олинган территориялардан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш Ливаннинг суверенитетини ва фаластин халқининг ажралмас ҳуқуқларини эътироф этиш йўли билан Яқин Шарқда тинчликка эришиш мумкин.

СОФИЯ. (ТАСС). «Работническо дело» газетаси қуйидагиларни ёзади: биз исроил ҳарбийларининг фаластин халқидан вахшиёна ўч олаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Тель-Авив агрессияси геноцид тусини олмоқда.

Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, дейилади мақолада, Исроил босқинчилари агар уларнинг орқасида Қўшма Штатлар туриб, уни сиёсий, дипломатик, ҳарбий жиҳатдан ва бошқа йўллар билан қўллаб-қувватламаганда бундай агрессияга журъат этмаган бўлур эди. Америка империализми билан исроиллик сионистлар ўртасидаги «стратегик иттифоқ» Яқин Шарқдаги ҳамда ер юзидаги тинчлик ва хавфсизлик учун ўнглаб бўлмас оқибатларни олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Болгария ҳукумати Л. И. Брежневнинг Ливандаги воқеалар муносабати билан АҚШ президентига йўллаган мурожаатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлайди «Работническо дело» газетаси.

(ТАСС).

«АГРЕССИЯ МАҚСАДЛАРИ БАРБОД ЭТИЛСИН»

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурияннинг «Тишрин» газетаси ўз шарҳларида қуйидагиларни ёзади: «Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши жиноятларини плакаштиришда қатнашган ва агрессорки вайронгарчилик келтирувчи қурол билан таъминлаган Америка империализми ҳатто ошкора ва бевосита аралашиш йўли билан бўлса ҳам ўзининг разил ишини ниҳоясига етказиш ниятидадир. Вашингтон кейинги кунларда ўзининг бутун куч-ғайратини фаластиниликларни Ливандан «кўчириш»га, аниқроқ қилиб айтганда Ливандан ҳайдаб чиқазишга сарф қилмоқда. Шу билан бирга АҚШ фаластиниликларнинг Ливанда истиқомат қилиши илгари қабул қилинган халқаро қарорларга мувофиқ қонуний эканлиги каби фактни жўрттага назар-писанд қилмаяпти».

Фаластиниликлардан, деб таъкидлайди газета, Ливандан чиқиб кетишни талаб этмоқдалар. Бу талабни амалга ошириш учун Америка 6-флотининг кемаларида «эвакуация» қилиш каби жуда ҳақоратли тадбирни таклиф этадилар. Айни вақтда Исроил ўзининг Ливандаги оккупациячи корпусини номуайян вақтгача сақлаб қолиш ниятида эканлигини яширмаяпти. Фаластиниликлар бундай «таклифлар»га рози бўлганида бу ҳол Фаластин араб халқининг ўз ҳуқуқлари учун адолатли курашгагина эмас, балки бутун араб халқига ҳам, шу жумладан, ҳозирги пайтда Ливандаги фожиадан кўз юмиб, бунга эътиборсиз қараётган араб раҳбарларига ҳам ҳалокатли зарба бўлур эди.

Бундай шароитда «эвакуация» планларини қатъийян рад этган Сурияннинг позицияси Фаластин революциясини ҳимоя қилиш, агрессиянинг ошкора ва яширин мақсадларини барбод этиш юзасидан ўз зиммасига олган қатъий мажбуриятига асосланади. Жанг ҳали тамом бўлмаганлигини агрессор ва унинг иттифоқчилари билиб қўйсинлар, деб уқтиради газета. Америка —Исроил интервенцияси барбод этилиб, Фаластин араб халқининг ўз юртига қайтиб, ўзининг мустақил давлатини вужудга келтириш ҳуқуқи таъминланганидагина жанг тамом бўлишиқ улар билиб қўйсинлар.

Сурия ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам, қардош араб халқини ҳимоя қилишга қатъий қарор бергандир. Бу халқнинг хаёти хавф остида қолди. Сурия Ливан ва Фаластин жангчилари билан жанговар иттифоқни мустаҳкамлаб, исроиллик босқинчиларни ҳайдаб юбориш учун ўз ихтиёридаги мавжуд ҳамма воситалардан фойдаланади. Шу билан бирга, деб ёзади «Тишрин» газетаси мақоланинг охирида, Сурия ўз имкониятларига, шунингдек дўстларининг ёрдамига, аввало Совет Иттифоқининг ёрдамига таянади.

СОҲИЛ ҚАМАЛ ҲОЛАТИДА ҚОЛАДИ

ЛОНДОН. Буюк Британия Жанубий Атлантикада хатарли кескинлик ўчоғини сақлаб қолмоқчи. Олий министрларнинг махсус мажлиси тамом бўлганидан кейин ташқи ишлар министрлиги гарчи уруш ҳаракатлари тугаган бўлса ҳам, лекин Буюк Британия Аргентина соҳилларини 12 милья масофасида қамал қилишни давом эттириш ниятидадир.

Айни вақтда бу районда Англиянинг анчагина ҳарбий кучлари сақланиб қолинади. Фолькленд (Мальвин) оролларида катта гарнизондан ташқари Жанубий Атлантикада ҳарбий кемаларнинг отряди бўлади, деб хабар беради «Дейли телеграф» газетаси. Буюк Британия Аргентинага иқтисодий тазйиқ қилиш сиёсатидан воз кечмаган ҳолда унга қарши иқтисодий жазо чораларини ҳам сақлаб қолади.

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Сомалини қутқариш демократик фронти отрядлари Могадишо ҳукумат қўшинларига қарши ҳужумни кучайтирмоқдалар. АП агентлигининг демократик фронт радиосига асосланиб хабар беришича, мамлакатнинг марказий қисмига жойлашган Галгодоб аҳоли пунктидан кейин фронт жангчилари Сомали пойтахтидан 320 километр масофадаги Баламбал шаҳрини қўлга олдилар. Ҳукумат қўшинлари жангчилар давомида 300 дан ортиқ кишидан жудо бўлди. Демократик фронт кучлари жуда кўп ҳарбий техникани йўқ қилдилар ёки қўлга тушурдилар, иккита қирувчи самолётни уриб тушурдилар. Ҳукуматнинг тўртта армия бўлинмалари тамоман тормор қилинди. Демократик фронт радиосининг хабарига қараганда, Могадишо ва бошқа ерларда ҳукумат қўшинларининг ҳужумлари ҳеч натижа бермаяпти. Ҳукумат қўшинларининг ҳужумлари ва ҳарбий ҳаракат

ХАЛҚ ИЖОДИДА — ДЕҲҚОН МАДҲИ

Халқ оғзаки ижодиёти бамисоли туганмас денгиз. Ҳали ёзма адабиёт пайдо бўлмасдан халқ қаҳрамонлиги, Ватан туйғуси, меҳр-муҳаббат, бойликлар манбаи — меҳнатга садоқат мадҳи мақоллар, маталлар, ҳикматлар, афсона ва эртаклар, қўшиқ ва достонларда ўз аксини топган. Адабиёт халқнинг маънавий бойлигига айланган, кўп миллатли совет адабиёти қатори ўзбек совет адабиёти ҳам равнақ топган бугунги кунда ҳам халқ оғзаки ижодиётига қизиқиш ошса ошяптики, аммо камаймаяпти.

«Қишлоқ ҳақиқати» газета редакцияси шуни ҳисобга олиб, мўл-кўлчилик бунёдкорларининг меҳнати тараннум этилган халқ қўшиқлари, термалар, мақол ва маталлар, достон ва эртакларни «Халқ ижодида — деҳқон мадҳи» рубрикаси остида бериб боради. Шу муносабат билан биз муҳтарам газетхонлардан ўзлари яшаб, ишлаб турган жойларда одамлар орасида айтилиб юриладиган халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб, редакциямизга юборишларини сўраймиз. Бу, бошлаётган хайрли, эзгу ишимизнинг яхши самара беришига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

Қуйида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий ходимлари Сафо Зуфаров ва Жўрахон Усмоновлар нашрга тайёрлаган мева ва полиз экинлари баҳсига доир асарни сиз, ҳурматли газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ШАКАРИСТОН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондидаги ноёб қўлёзма ва тош босма асарлар ичида бир кичик асар бор. Бу китобча «Ҳикояи Лазиданй шаккаристон» номи билан аталиб, асримизнинг дастлабки йилларида яратилган.

Асарнинг биринчи қисми ширин-шакар мевалар, сабзавотлар мунозарасига бағишланган бўлиб, шу мунозара асосида мева ва сабзавотларнинг хусуниятлари, фазилати, одамзодга, умуман жонли ҳаётга таъсири, фойдаси содда шеърий тарзда акс эттирилган. Асар эски ўзбек тилида ёзилган, шеърий маҳорат анчагина содда, бадиий жиҳатдан суст бўлишига қарамай, ўша даврнинг халқ ижодиёти ва услубини сақлаган ҳолда ўқувчиларга ҳавола қилишни лозим топдик. Шубҳасиз, ушбу иш ўз шинавандалари учун хизмат қилар, деган умиддамиз.

С. ЗУФАРОВ,
Ж. УСМОНОВ,
илмий ходимлар.

ТУТ баёни:
Мен мевларга сардордурман, юзим оқ ва дилим тўқдир. Ҳар ким мени таноул қилса, иштаҳаси очилур ва зарар кўрмас, деб:
Ки, меваси ҳамма жонга баробар,
Қўрибдурсан, бу сўзга айла бовар.
Яна тавсиф қилсанг тут савобин,
Ки, эккон кўрмагай дўзах азобин.
Ки эҳсон қилсангиз андак ғараз бор,
Тут экконда ғараз йўқдир аё ёр.

ГИЛОС баёни:
Менинг шарбатларим ҳеч кимда бўлмас,
Ҳавас қилгон киши менга етолмас.
Менинг доналарим ёқутга ўхшар,
Менга етмай нечалар зор йиглар.
Мен-ку, камёбман, қилгил идрок,
Мени ҳар ким еса, бўлгай тани пок.

ЎРИК ўзи ҳақида:
Ўрик отим эрур азиз ҳамиша,
Тамадди қилғайлар ёзу қишда.
Мени билсанг, ҳамма ерда битарман,
Ки тоғлар тепасида кўнарарман.
Мени еса киши бўлгай қувватлиқ,
Яна эл ичида ҳотам сифатлиқ.

ОЛХЎРИ дейди:
Мени қилса мураббо, нон хуруши,
Менга ким тенг келур, қилсам юруши.
Муҳаббат бирла эҳсаким бир одам,
Яна сув берсалар анда дамодам.
Кўкориб мева айларман ўшал ҳол,
Менинг сўзимга андаким қулоқ сол.
Менинг нордонлиғим оламда йўқдир,
Яна еган кишини қорни тўқдир.

Шундан кейин навбатни ШАФТОЛИ олиб, у ўзи ҳақида қуйидагиларни айтади:
Ҳамма шафтоликим, дардинг давоси,
Шифога кон бўлгон мулк эгоси.
Мени ҳар ким еса, эй пок ядон,
Ғуборин маҳв айлагил бадандин.
Мени мавжуд қилдинг аввал азалдин,
Мени кимки экибдир боғ ичида,
Қизил юзлиқ қил они эл ичинда,
Ҳама дардга даво қилгил урғиим,
Сабаб қилгил хўлим бирла қуруғим.

Ўз навбатини УЗУМ олар экан, дейди:
Кел эй ровий, узумдин сўзла борий,
Маҳсудингга етурсан бўлса ёрий.
Арабларнинг забонида «инаб»ор,
Ток эккани саҳийлардин санабдур.

Барча мевларнинг ичида юзи қизил, сўзи ўткури ўзиммен, деб ОЛМА ўртага чиқди ва «мен ҳар кимнинг кўлида бўлсам, барча одамларнинг кўзи менда бўладир», деб гап бошлади:
Менинг отимни дерлар барча олма,
Отимга ишониб, армонда қолма.
Мени кимки еса дандон бўлур тез,
Ҳама дарду алалар кетгуси тез.

Олма гапини тугатмасданоқ, НОК ўзига ўзи таъриф бериб кетди:
Мени суйсин касал бўлган ҳар одам,
Танаввул айласин мени дамо-дам.
Давосини ҳамиша мен берурман,
Сиҳатлиққа ўзим сабаб бўлурман.
Мени еган сиҳат топсун ўшал ҳол,
Ғуборин маҳв қилгил бекилу қол.

Барча мевларнинг таърифини эшитиб турган АНОР гоҳ қизариб, гоҳ сарғайиб, магрурона қуйидагиларни айтди:
Анор отим — жонолар меваси,
Тармевалар ўртасида тўраси..
Амал олгум кундуз бирла кечаси,
Пастроқ турур мевларнинг барчаси.
Анор отим дейди руммон,
Касал еса тузалур, қилма гумон...

Анор таърифини эшитиб, ўзини тиёлмаган АНЖИР қуйидагиларни айтади:
Мени эҳса киши боғин ичида,
Қизил юзлиқ қил они ичинда,
Киши анжир экмаки одат айлар,
Ҳама ғамдин ўзни озод айлар.
Ки, анжир бўлса ҳар кимни хўроки,
Зиёда бўлгусидур ақл покин.

Шу пайт олтинсимон товланиб турган БЕҲИ ғазал билан ўз таърифини баён қилади:
Беҳи беҳим берадур ҳай субҳон,
Анинг учун талашур бек ила хон.
Жаннатда бўлмагай мендек сарафроз,
Киши илкида доим этаман роз.
Тўлибдур мавсуфим ер кўк ароси,
Менингдек бормукин неъмат сароси.

Беҳидан сўнг ЕНҒОҚҚА навбат етди:
Деди янгоқ: менинг доним семиздур,
Мевларим ҳаммадин хўб эгиздур.
Менинг доналарим чун ўққа ўхшар,
Ки, ёш бола кўзига чўққа ўхшар.
Истеъмол қилганларнинг кўзида нур,
Белида қуввату қалбида шуур.

Ўртага ЖИИДА чиқиб, сўзга аралашди ва ўз таърифини қуйидагича баён қилди:
Деди жийда, менинг рангим қизилдур,
Гулим бўйи жўшар, рўзи азалдур.
Менинг пўстлоқларим чойларга монанд,
Ҳам ани қайнатиб ичгай авомат.
Билинг номимни ҳар кимки унутмас,
Ҳаким-ҳозиққа ҳаргиз иши тушмас.

Жийда таърифини эшитиб, оғзи очилиб, ПИСТА навбат олди:
Билинг, менинг маконим кўп баланддур,
Яна писта еганнинг тани покдур.
Ки, ҳар кимнинг хўроки бўлса писта,
Ҳамиша сиҳат ва бўлмасдур ҳаста.
Менинг мағзим яна яхши лазиздур,
Мени еган халойиқлар азиздур.

Тўқ қизил бўлиб турган ОЛИЧА барча мевларга бир-бир қараб чиқди.
Олча айди: кўп эрурман озода,
Мевларнинг орасида хонзода.
Менинг отим кўюбдурлар олича,
Шифо берай барча дардга борича.
Барча бемор эшиб ичса дорудур,
Шарбатларим унга шифо беродур.

Олича сўзини эҳҳи билан тинглаган БОДРИНГ, ўзини тиёлмасдан жавоб қайтаради:
Билинг, эҳса ўшал деҳқон ашраф,
Халойиқ ичинда бўлгай мушарраф.
Мени еса киши пўстим, қобуғим,
Даводур кал дардига уруғим.
Истеъмол қилғонинг бўлгай тани пок,
Ўзи соғламлашур, қилгинда идрок.

ТАРВУЗ баёни:
Биродарлар, бу ерда бўлинг огоҳ,
Шифо берувчи менман, билинг, биллоҳ.
Ўшал мардики, деҳқон эҳса тарвуз,
Сахий бўлгусидур, бешак бу сўз.
Киши бўлса касаллиқ мубталоси,
Билинг, тарвуз ҳамма дарднинг давоси.

Тарвуздан сўнг ОШҚАБОҚ сўзга кирди:
Билингки, ошқабоқ асли қародур,
Таомлар ичра андоғки сародур.
Биров аввал поливда хўб пишурса,
Узуб олиб яна ким сутга солса.
Яна ўтни қўюб пишурсалар хўб,
Есалар ул азизлар, хўб совутиб.
Кўзи равшан бўлур ул кимсаларни,
Хурсанд қилур ул зот ҳамсояларни.
Зиёда бўлгуси аҳлилари ҳам,
Ки, ғолиб бўлгуси фаҳмилари ҳам.

Даврада навбат кутиб САБЗИ эҳтиром ила сўз олиб, деди:
Билинг, сабзи—менинг аслим кўкатдир,
Томирим барча элга мўътабардур.
Биродарлар, мени қўшса гуруччга,
Азиздурман, бу сўзга бўлгил эга.
Яна гўшт-ёғу гармдори қўшадур,
Ани номи палов ошлар бўладур.
Билинг, сабзи суви ҳазм таомдур,
Билинг, сабзи ҳамма дардга даводур.

ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

ИСТЕЪДОД

Ғойиб ака Тўйчиевни Бувайда районидаги Калинин номли колхоз аҳолиси яхши билади, ҳурмат қилади. Хўжаликда оддий тегирмончи бўлиб ишловчи бу ҳожатбарор киши хушмуомалалиги, камтар, самимий ва дилкашлиги билан кўпчилик меҳрини қозонган.

Уни ҳамқишлоқларидан ташқари бошқалар ҳам яхши танишининг яна бир боиси бор. Ғойиб ака ҳазил-мутойибага мойиллиги, сўзга чечанлиги ва ҳозиржавоб аскиябозлиги билан Калинин номли колхоз, шу билан бирга кўпгина қўшни хўжаликларда ўтадиган турли турнир, давра ва тўй маросимларини қизитиб, қанчадан-қанча дилларга завқ-шавқ бағишлайди. Одамлар лабида кулгу табассум пайдо қила олганидан Ғойиб аканинг ўзи ҳам мамнун бўлади. Ахир, кўнгилларга олам-олам завқ-шавқ ҳузур, сурур бағишлашдан ҳам олижаноб иш борми кишига.

Оддий тегирмончининг фазилатлари юқоридагилардангина иборат эмас. Кўнгли санъатга пайваста Ғойиб ака колхоздаги фарзанди Тоҳиржон Тўйчиев раҳбарлик қилаётган «Дилафруз» ашула ва рақс ансамблининг актив иштирокчиларидан бири. Райондаги, бошқа қатор қўшни хўжаликлар клуби, дала шийпонлари ва бевосита даланинг ўзида «оқ олтин» ижодкорлари бу яккахон хонанда ижросида Муқимий шеъри билан айтиладиган «Тановар», Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бир келиб кетсин», Ҳабибийнинг «Мумтоз этгали келдик», кекса ғазалхон шоир Чустийнинг «Назорат қилмагай», «Ақлсизлик» ашулалари ва бошқа ижодкорлар тароналарини, кўп бор эшитишган. Район миқёсидаги турли кечалар, гоҳо-гоҳо эса областда ўтадиган тадбирларга ҳам Ғойиб акани таклиф этиб туришади. Тантана ва хилма-хил маросимларни файзли, сермазмун ўтказишга бошқалар қатори Ғойиб ака Тўйчиев ҳам баҳоли қудрат ўз маданий хизмати билан ҳисса қўшиб келяпти.

— Қишлоғимизда ҳеч бир тўй-тантана, маросим йўқки, у Ғойиб аканинг иштирокисиз ўтса. Биз у кишидан беҳад миннатдормиз. Ғойиб ака колхоз меҳнаткашлари хонадонларида бўладиган кутлуғ маросимларда ўз шакаргуфторлиги, эшинавандалиги ва умуман, яхшигина санъати билан меҳнаткашларимиз дилларини хушнуд этадилар, — дейди колхозчи раиси Иноможон Азимов.

Шу кунларда колхоз далаларида ғўза парваришида айни авжида. Деҳқонлар кўнглини хушнуд этишда «Дилафруз» ашула ва рақс ансамбли қатнашчиси, ўз репертуарини классик ва замонавий халқ қўшиқлари ҳисобига бойитиб бораётган Ғойиб ака Тўйчиевнинг хизматлари ҳам самарали бўлмоқда.

М. ТУРОБОВ.

Суратда: Ғойиб Тўйчиев қўшиқ ижро этмоқда.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ИШОНЧ ОҚЛАНМАДИ

Асримизнинг бошларида Ҳинд океани ҳавзаси архипелагларидан келтирилган майна ҳозирда кўпгина районларда қишлоқ хўжалик экинлари ва боғ-роғлардаги мевачеваларни ҳақиқий қушандаси бўлиб қолди. Океаниядаги ёш давлат — Кук ороллари қишлоқ хўжалик министрлиги бу қанотли зараркунандаларга қарши курашиш учун беш минг доллар ҳажмида махсус фонд ажратган эди. Ҳар бир ўлдирилган майна учун 10 цент ва унинг тухумини йўқотганлиги учун беш цент миқдорида ҳақ тўлаш белгилаб қўйилган эди. Бироқ, ўтган молиявий йилда бу фонддан бор йўғи 7 доллару 45 цент тўланди. Бу ҳақда «Пасифик айлендс мансли» журнали ороллар аҳолиси ўта беозорлиги ёки бундай «сурбет», «кароқчи» қушни отиш учун берилган ҳақни кам деб ҳисоблаганликлари учун бу фонддан фойдаланишмади, деб ёзади.

ГАВАНА АНЪАНАСИ

Куба пойтахтида ҳар куни эрталаб ва кечқурун соат тўққизда қурол-яроқлардан ўқ узилади. Бу қадимги анъана бўлиб қолган. Ўқ отилиши билан шаҳар ва унга туташ порт дарвозалари очилади кечқурун эса ёпилади. Бунинг учун оғир замбараклардан фойдаланиб келишган. Вақт ўтиши билан «Луперто» номи берилган кичик замбаракдан фойдаланишган. Бу замбарак 1793 йилнинг 16 майида Испаниянинг Севилья шаҳрида қирол Карл IV ҳукмронлик даврида қуйилган.

ТИРИК ФАБРИКАЛАР

Италиянинг Равенна шаҳрида истиқомат қилувчи Карло Феруцци Америка чувалчангларини кўпайтириш билан шуғуллана бошлади. Бу чувалчанглар 16 йил яшайди ва жуда кўп авлод қолдиради ҳамда улар ўта яшовчанлиги билан ажралиб туради. Яқинда Феруцци чувалчангаларнинг бир қисмини Капри шаҳри маъмурларига сотди. У ерда бу чувалчанглар шаҳар ахлатхонасига ташланадиган ҳар хил чиқиндиларни «қайта ишлайди» ва ўғит тайёрлаб беради. Қишлоқ хўжалиги учун қимматли бўлган бу ўғитни ишлаб чиқариш учун эндиликда бир тийин ҳам сарфламаяпти. Яна чувалчангларнинг шарофати туфайли ҳеч қандай харажатларсиз ахлатлар тугатилмоқда. Бунинг устига ҳаво ахлатларни ёқиш натижасида хосил бўладиган қурум туфайли ифлосланмаяпти. Бундай чувалчангларнинг афзаллиги ўз-ўзидан кўриниб турибди, деб ҳисоблайди Феруцци. (ТАСС).

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 17 июлда чиқади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Китобхонларнинг инсон маънавий оламини бойитувчи турли адабиётлардан баҳраманд бўлишида ишчан, тадбиркор кутубхоначиларнинг хизматлари бениҳоя катта. Норин районидаги «Октябрь» колхози кутубхоначиси Лобархон Акбарова ҳам ана шундай маданият ходимларидандир. У бевосита колхоз меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатишдан ташқари дала шийпонлари, болалар боғчаларида ҳам кўчма кутубхоналар ташкил этиб, адабиёт ихлосмандлари ҳурматини қозонмоқда.

СУРАТДА: кутубхоначи Л. Акбарова (чапда) китобхонларга адабиёт танлашда кўмаклашмоқда.

З. ИИГИТАЛИЕВ фотоси.

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ЛИГАДА

Узоқ давом этган танаффусдан сўнг СССР чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган командалар ўртасида мавсум ўйинлари бошланиб кетди. Кун кеча пешқадам коллективлар ҳамда Жиззахнинг «Звезда» командаси учрашуви натижасини хабар қилган эдик.

Умуман, ўн тўққизинчи турнинг бошқа учрашувлари ҳам кескин ва жанговар курашлар остида ўтди. Кировнинг «Динамо» командаси футболчилари ўз майдонларида Запорожьенинг «Металлург» коллективини қабул қилишди. Қизиқарли ўтган матч тақдирини майдон эгалари ўйинчиси Бочков томонидан бешинчи минутда киритилган ягона тўп ҳал қилди. Костроманинг «Спартак» ва Киевнинг СКА клублари ўртасидаги ўйин ҳам 1:0 ҳисобида тугади. Бунда омад костромалик футболчилар томонида бўлди.

Никополнинг «Колос» командаси бу йил ниҳоятда чиройли ўйин кўрсатиб, ўз мухлисларини хурсанд этмоқда. Айни пайтда бу аҳил коллектив пешқадамлар сафидан ўрин эгаллаб турибди. Ўтган турда «Колос» командаси сафарда ўйин ўтказишига қарамай муҳим икки очкони қўлга киритди. Улар Ярославлда маҳаллий «Шинник» клубини 1:0 ҳисобида енгишди.

Ланчхутида «Гурия» ва Душанбенинг «Помир» командалари учрашишди. Матч давомида ташаббускорликда ҳаракат қилган меҳмонлар майдон эгалари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди. Бошқа ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: —«Искра» (Смоленск) — «Заря» (Ворошиловград) — 2:0, «Факел» (Воронеж) — «Таврия» (Симферополь) — 2:1, «Ротор» (Волгоград) —СКА (Одесса) — 1:0.

Энди эътиборингизга турнир жадвалини ҳавола этамиз.

	Ў	Т	О
«Жальгирис»	19	26-9	26
«Нистру»	18	25-14	25
«Колос»	18	27-12	24
«Помир»	17	24-14	23
«Локомотив»	18	24-11	23
«Факел»	18	23-15	21
«Даугава»	19	23-18	20
СКА (Р)	18	26-19	19
«Искра»	18	21-21	19
СКА «Карпати»	19	17-17	19
СКА (Хб)	18	12-16	18
«Динамо»	18	14-21	18
«Заря»	18	28-22	17
СКА (Од)	18	18-15	17
«Металлург»	18	16-11	17
«Шинник»	18	19-32	16
«Таврия»	18	22-25	14
«Гурия»	18	16-27	14
«Ротор»	18	22-29	14
«Звезда»	18	16-39	13
СКА (К)	18	12-24	11
«Спартак»	18	8-28	10

* * *

Ўтган сешанба куни олий лигада ҳам бир учрашув ўтказилди. Москвада «Торпедо» командаси футболчилари Днепропетровскнинг «Днепр» коллективини қабул қилишди. Ўйин 2:1 ҳисобида торпедочилар фойдасига ҳал бўлди.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЖУМА

16 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».

9.40 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.

10.25 Болалар учун фильм. «Қизча ва тимсоҳ».

11.30 «Комсомол — менинг тақдирим» Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси:

«Қадрдон тупроқ ҳарорати»,

«Шаҳар бўйлаб троллейбус қатнамоқда».

12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.

15.20 Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси:

«Ғолибона Сталинград»,

«Биринчи шаҳс тилидан ҳикоя»,

«Яккама-якка».

16.10 «Рус тили»

16.40 «Москва ва москваликлар».

17.10 «Шахмат мактаби».

17.40 «Мунозара клуби».

18.45 Кабарда-Балкарнинг Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 425 йиллигига. «Менинг Кабарда -Балкариям». Телевизион ҳужжатли фильм.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

20.00 Тюмень филармонияси рус халқ чолғу ансамблининг концерти.

20.15 «Пляшчихидаги «Уч терак» кўчаси». Бадиий фильм.

21.30 «Время».

22.05 Консерваториянинг катта залида П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.

00.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.

18.50 «Поэзия». Николас Гильен.

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси —умумхалқ иши».

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.45 «Ҳаётга йўлланма».

21.20 «Сухановода ёз». Кинолавҳа».

21.30 «Время».

22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм-премьераси. 3-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

11.30 «Валерка, Рэмка плюс...» Телевизион бадиий фильм.

12.00 «Цирк мўъжизалари». Урганч шаҳар «Петрушка» халқ қўғирчоқ театрининг спектакли.

12.20 Абитуриентлар учун. «Ишони қандай ёзиш керак!»

12.50 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув [қозоқ тилида].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 «Айиқлар ва қўшиклар», «Қўғирчоқлар рақс тушади». Болалар учун мультфильмлар.

18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз 80-йиллар комсомоллари».

19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Китоб — ақл фарзанди».

19.30 «Ахборот» [рус.].

19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопублицист экрани» Кинокўрсатув.

20.30 «Ахборот».

20.50 Телетомошабиларнинг талабларига биноан. «К. Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Дунё воқеалари».

«КИШЛОК ХАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33; 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретармат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37. 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 07339. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1068. 11